



ASR

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

Gazeta 2004-yil 1-yanvardan chiqq boshlagan

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI – O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI HAFTALIK NASHRI

e-mail: xxi_asr@mail.uz

2019-YIL 31-YANVAR, PAYSHANBA, 4 (794)-SON

web sayt: www.21asr.uz

Истиқболли лойиҳалар, янги ташаббус ва ғоялар халқимиз фаровонлигининг асосидир

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев жойларда ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши, амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, йирик лойиҳалар билан танишиш мақсадида 30 январь куни Жиззах вилоятига келди.

Халқимиз давлатимиз раҳбарининг вилоятларга ташрифини алоҳида қизиқиш билан кузатиб боради. Зеро, бу каби ташрифлар чоғида оддий одамлар дилидаги гаплар айтади, ҳаётий муаммоларга ечим топилади, янги ташаббуслар, ғоялар амалга ошишига туртки берилади.

Президентимизнинг Жиззах вилоятига бу галги ташрифи ҳам ана шундай кўтаринки руҳда бошланди.

Шавкат Мирзиёев дастлаб Фориш туманида атом электр станциясини куриш учун муҳандислик тадқиқотлари олиб борилаётган майдонлардан бирини кўздан кечирди.

Маълумки, тинч мақсадларда фойдаланиш учун мамлакатимизда илк бор атом электр станцияси курилиши режалаштирилган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонида муровиқ, Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Атом энергетикасини ривожлантириш агентлиги ташкил этилган. Хорижий лойиҳалар сони ва кўлами бўйича жаҳонда биринчи ўринда турадиган "Росатом" корпорацияси билан келишувга эришилган.

Ушбу станция ҳар бири 1 минг 200 мегаватт қувватга эга иккита, "3+" авлодига мансуб энг замонавий ва хавфсиз энергия блокдан иборат бўлади. Улар Халқаро атом энергияси агентлигининг барча хавфсизлик талабларига жавоб беради.

Атом электр станциясининг ишга туширилиши натижасида миллиардлаб куб метр табиий газ иқтисод қилинади, атмосферага карбонат ангидрид чиқарилиши йилга 14 миллион тоннагача, азот оксидлари чиқарилиши 36 минг тоннага камаяди. Атом энергияси экологик тоза бўлиб, ис вази ҳосил қилмайди.

Президентимиз тадқиқот ишларининг бориши билан қизиқди, "Узатом" агентлиги ва "Росатом" корпорацияси раҳбарлари билан суҳбатлашди.

Бу улкан лойиҳа Россия билан стратегик шериклигимизнинг янги йўналиши. Мамлакатимиз саноати ривожланипти, аҳоли сони ўсаяпти. Ҳали олдинда яна катта режаларимиз бор. Булар учун барқарор энергия таъминоти керак. Атом электр станцияси энергия манбалари чекланган шароитда ана шундай имконият яратаяпти, иқтисодиётни ривожлантиришга, одамларни иш билан таъминлашга хизмат қилади, деди давлатимиз раҳбари.

Атом электр станциясини аниқ ҳисоб-китоб ва пухта тайёргарлик билан барпо этиш, шундай иншоотлар курилишига оид хорижий тажрибани ўрганиш зарурлиги таъкидланди.

Бизнинг атом электр станциямиз бошқаларидан яхши, сифатли ва хавфсиз бўлиши керак, деди Шавкат Мирзиёев.

Ушбу соҳага ихтисослашган кадрлар тайёрлаш борасидаги ишлар ҳақида ҳам маълумот берилди. Ҳозирда ўзбекистонлик 30 нафар талаба "Москва муҳандислик-физика институти" миллий тадқиқот ядро университетида таълим олмақда. Мазкур билим юртининг Тошкентда ташкил этилаётган филиали келгуси ўқув йилидан илк талабаларни қабул қилади. Бу ёшлар юқори маънавият мутахассис бўлиб етишади ва атом электр станциясининг хавфсиз ишлашини таъминлайди.

Шу ерда Жиззах вилоятининг минерал хомашё базасини кенгайтириш, Фориш туманини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, туризм салоҳияти ва лалми ерлардан самарали фойдаланишга қаратилган лойиҳалар тақдироти ўтказилди.

Фориш – имкониятлари бўйича энг бой туманлардан бири. Лекин ҳозир бошқа ҳудудлардан бироз орқда. Бу ернинг қишлоқ хўжалиги, геология, қайта ишлаш соҳаларидаги имкониятларидан тўғри фойдаланилса, туман иқтисодиётини бир неча баробар юксалтириш мумкин, деди Президент.

Масалан, Жиззах вилоятида базальт, рух, кўрғошин, цемент, гипс, кварц, пардоз-боп тошлар каби табиий бойликлар кўп.

Геологик ва иқтисодий таҳлиллар асосида уларни қайта ишлашни ташкил этиш, маҳаллий бюджетга катта даромад келтириши ва аҳолини иш билан таъминлаш мумкинлиги таъкидланди. Бунинг учун "Жиззах" эркин иқтисодий зонаси имкониятларидан фойдаланиш, тадбиркорларга кенг йўл бериш кераклиги қайд этилди.

Яна бир катта имконият – Фориш тумани ҳудудининг кенглигидир. Аввалги ташриф чоғида берилган топшириққа асосан бу ерда сувни тўплаш ва ундан тежаб фойдаланишга қаратилган ишлар амалга оширилди. Натижада туманда қўшимча 50 минг гектар сугориладиган ер пайдо бўлди. Президентимиз бу жойлар илгари фойдаланилмаган ҳосилдор тупроқ эканини таъкидлаб, унга талаб юқори маҳсулотлар экиш, аҳоли даромадини кўпайтириш бўйича кўрсатмалар берди.

Шунингдек, вилоятдаги сув ҳавзаларида балиқ етиштиришни кўпайтириш, чўл туманларда чорвачиликни ривожлантириш, сут ва жунни қайта ишлаш корхоналари ташкил этиш зарурлиги таъкидланди.

Давлатимиз раҳбари Жиззахлик нуронийлар билан мулоқот қилди.

Суҳбатда мамлакатимиз иқтисодиётини таркибий ўзгартириш, аҳоли турмуш даражасини юксалтириш мақсадида амалга оширилаётган ишлар ҳақида сўз борди.

Юртимизнинг ҳамма жойларида янги заводалар, уй-жойлар, мактаблар куриляпти. Халқимизнинг яшаш шароити, талаблари ҳам ўсиб борапти. Бу эҳтиёжлар учун ҳозирча табиий бойликларимиздан фойдаланилмайди, лекин уларнинг захираси чексиз эмас. Шунинг учун муқобил энергия манбаларини яратишимиз зарур, деди Шавкат Мирзиёев.

Ушбу атом электр станциясини куришда барча халқаро талабларга қатъий риоя қилиниши, бундай станциялардан кўплаб мамлакатларда кенг фойдаланилаётгани қайд этилди.

Биз бу лойиҳанинг хавфсизлиги, иқтисодий зарурлигига ишончимиз комил бўлгани учун куришга киришдик. Эртанги кунни уйлаб иш тутмасак, ривожланишдан орқда қолиб кетамиз, деб таъкидлади Президентимиз.

Мамлакатимизда Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Исло Каримов таваллуди куни муносабати билан хотира тадбирлари ўтказилди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 30 январь куни Тошкент шаҳридаги Исло Каримов номидаги илмий-маърифий ёдгорлик мажмуасига ташриф буюриб, Биринчи Президентимиз ҳайкали пойига гулчамбар қўйди.

Исло Каримов мустақил Ўзбекистон давлатининг асосчиси, буюк давлат ва сиёсат арбоби, ўзбек халқининг улуг ва ардоқли фарзанди эди. У мамлакатимизни мустақил тузум қарамлигидан озод қилиб, ҳалокат ёқасига келиб қолган давлатни қайта тиклади. Оғир қийинчилик ва

Самарқанд шаҳридаги Ҳазрати Хизр мажмуаси ёнида улугвор мақбара бунёд этилди. Бу ёдгорлик юртдошларимиз қадами узилмайдиган муқаддас зиёратгоҳга, ёшлар учун катта тарбия масканига айланди.

Президент Шавкат Мирзиёев шу куни Самарқанд шаҳрига ҳам ташриф буюриб, ушбу мақбарани зиёрат қилди. Қуръон тиловат қилинди.

Давлатимиз раҳбари ёдгорлик мажмуасини сақлаш, атрофини ободонлаштириш, зиёратчиларга қўшимча қўлайликлар яратиш зарурлигини таъкидлади.

Шундан сўнг Самарқанд шаҳридаги Форумлар мажмуасида эҳсон оши берилди. Унда

Исло Каримов халқимиз хотирасида мангу яшайди

синовларга қарамай, тарихан қисқа даврда юртимизда тинчлик ва барқарорликни таъминлаб, мамлакатимизни изчил ривожланиётган замонавий демократик давлатга айлантирди.

Биринчи Президентимиз ўзининг серқирра сиёсий фаолияти, олижаноб инсоний фазилатлари билан Ватанимиз тарихида ўлмас из қолдирди. Нафақат Ўзбекистон, балки жаҳон миқёсида катта ҳурмат ва обрў-эътиборга сазовор бўлди.

Мамлакатимизда Исло Каримов хотирасига катта ҳурмат-эҳтиром кўрсатилаётганда. Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 25 январдаги "Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Исло Абдуғаниевич Каримовнинг хотирасини абадийлаштириш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, бу борада кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилди. Исло Каримов номидаги Республика хайрия жамоат фонди тузилди. Тошкент давлат техника университети, Асака шаҳридаги автомобиль заводи, Фарғона шаҳридаги Санъат саройи, Тошкент халқаро аэропорти, Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар марказларидаги кўчаларга Исло Каримов номи берилди. Тошкент, Самарқанд ва Қарши шаҳарларида буюк Йўлбошчимизнинг ҳайкаллари ўрнатилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 ноябрдаги қарорига асосан 2018 йилда буюк давлат ва сиёсат арбоби Исло Каримов таваллудининг 80 йиллиги мамлакатимизда кенг нишонланди.

Биринчи Президентимиз дафн қилинган

давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, нуронийлар, зиёлилар, ёшлар иштирок этди.

Самарқанд Исло Каримов ҳаёти ва фаолиятида алоҳида ўрин тутаяпти. Биринчи Президентимиз ушбу қадимий шаҳарда туғилган, унинг ҳар томонлама ривожланишига катта эътибор қаратган. Сохибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги, Мирзо Улуғбек таваллудининг 600 йиллиги муносабати билан бу ерда қатор бунёдкорлик ишлари амалга оширилган. 2007 йилда ЮНЕСКО шафелигида Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллиги кенг нишонланган. Имом Бухорий, Бурҳониддин Марғиноний, Абу Мансур Мотуридий мақбаралари, Шоҳи Зинда ёдгорлиги, Улуғбек расадхонаси ва бошқа тарихий қадимжолар обод қилинган. Унлаб замонавий иншоотлар, хиёбонлар, фавворалар барпо этилган.

Кейинги йилларда Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг алоҳида эътибори билан бунёд этилган Исло Каримов мақбараси ва ҳайкали Самарқанддаги ана шу обод масканлар қаторига қўлга қадамга бўлиб қўшилди. Шу куни Самарқанд вилояти жамоатчилиги Регистон майдони яқинида ўрнатилган Исло Каримов ҳайкали пойига гуллар қўйди. Қарши шаҳрида ҳам буюк Йўлбошчимиз ҳайкали пойи гулларга бурканди.

Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида Биринчи Президентимиз таваллуд кунига бағишланган маданий-маърифий тадбирлар, хотира кечалари ўтказилди.

ЎЗА

Халқаро ҳамкорлик

5 МҲҲНОҚНИ ЭНДИ ДУНЁ ТАНИЙДИ



– Орол денгизи 45-50 йил давомида бир авлоднинг кўз ўнгида йўқолиб кетди, – дейди Халқ депутатлари Мўйноқ туман Кенгаши депутати А. Тилеуов. – Ҳозирда денгизнинг куриган майдонида жуда катта саҳро пайдо бўлиб, ундан йилга 100 миллион тонна тузли чанг кўтарилаяпти.

7 МАНДАТИНИ КЎРМАСДАН МУДДАТИ ТУГАЁТГАН ДЕПУТАТ



...орадан тўрт ой вақт ўтса ҳамки, қарор ижроси бажарилмаётганини қандай тушуниш мумкин? Айтиш жоизки, ўша сайлов 2018 йилнинг баҳорига бўлган эди. Мана, 2019 йилнинг кўкламига ҳам кўп вақт қолмади. Бироқ ҳамон натижа кўринмаёпти...

8 ДЕМОКРАТИЯНИ ҚАЙТА ҚУРИШ КЕРАК



Ишла, десангиз, насиҳат (?) қилади. Ярат, десангиз, кўчаларга шиор илади, деворларга шиор илади. Қур, десангиз, биноларни ремонт қилади. Асар ёз, асар ярат, десангиз, хўжайинларни улуглаб шеър ёзади, хўжайинларни портретини чизади.

Минтақа келажаги учун муҳим келишувлар

Ўзбекистон-Германия ўртасида имзоланган битимларни ҳаётга татбиқ этишда О'zLiDePнинг реал иштироки қандай бўлиши керак?



УШБУ СОНДА:

Истиқболли лойиҳалар, янги ташаббус ва ғоялар халқимиз фаровонлигининг асосидир

Президентимизга миннатдорлик билдирди. Давлатимиз раҳбари Мирзачўл туманидаги Ўзбек – қозоқ миллий маданий маркази фаолияти билан танишди.

Мирзачўлда яшаётган қозоқ миллиятига мансуб юртдошларимизнинг урф-одат ва анъаналарини асраши ва ривожлантириши учун зарур шароит яратилган. Хусусан, бу ерда Қозоқ миллий театри ташкил этилган. Яқинда театр биноси реконструкция қилиниб, кўркам иншоотга айлантирилди. Миллий чолғучилик, ашула, рақс, тасвирий санъат каби тўғрақлар фаолияти йўлга қўйилди.

Ўзбек – қозоқ миллий маданий марказининг ташкил этилгани халқларимиз ўртасидаги дўстликнинг ёрқин ифодасидир. Марказда маданий алоқаларни кучайтириш, ёшларни байналмилал дўстлик руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Президент мазкур театрнинг қайта тикланиши ва Ўзбек – қозоқ миллий маданий марказининг ташкил этилиши қароқош халқларимиз ҳамжиҳатлигида муҳим аҳамиятга эга эканини алоҳида таъкидлади. Бу маскан ҳудуддаги ижодий, маърифий ташкилотларни, зиёлиларни, ёшларни эзгу мақсад йўлида бирлаштириши зарурлигини қайд этди.

наси, кундузги стационар, ижтимоий дорихона фаолияти йўлга қўйилди.

Президентимиз поликлиникадаги шароитларни кўздан кечирар экан, аҳолини касалликлар профилактикаси билан тўлиқ қамраб олиш, одамлар бошқа жойга даво излаб бориб овора бўлмаслиги кераклигини таъкидлади. Аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиш, шифокорлар малакасини ошириш юзасидан зарур тавсиялар берди.

Давлатимиз раҳбари янги қурилган Мирзачўл тумани Давлат хизматлари марказида бўлди.

Бундан тўққиз ой олдин мазкур марказ ўрни ташландиқ жой бўлган, ўтган қисқа вақтда замонавий марказ биноси қад ростлади, қурилиш ва бунёдкорлик ишлари 5 миллиард 740 миллион сўм маблағ сарфланди.


Марказ бир кунда 200-250 мижозга хизмат кўрсатиш имкониятига эга. Эндиликда бу ерда тадбиркорларни рўйхатдан ўтказиш, нотариус, ФХДЭ бўлими, паспорт бериш ва алмаштириш каби 103 хизмат тури кўрсатилади. Шунингдек, марказда кутубхона, никоҳдан ўтувчилар учун тантаналар зали, инвесторлар хонаси ташкил қилинган, бундан ташқари, ҳайдовчилик гувоҳномасини

◀ Бошланиши 1-саҳифада.

Президентимиз тумандаги базальт тошини қайта ишлаб, базальт толаси ва арматураси ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган "Mega Invest Industrial" кўшма корхонаси фаолияти билан танишди.

2017 йил декабрда иш бошлаган корхона фаолияти 3 босқичда йўлга қўйилди. Аини пайтда биринчи ва иккинчи босқичлар ишга туширилди. Бунинг учун Буюк Британиянинг "Leigh Barrie" компаниясининг 11 миллион доллар ҳамда тижорат банкининг 26 миллион доллар кредит маблағи йўналтирилди. Германия, Франция, Италия, Россия, Туркия каби давлатлардан замонавий но-у-хау технологиялари келтириб ўрнатилди. Натيجида 225 нафар аҳолининг бандлиги таъминланди. 2018 йилда бу ерда минг тонна базальт арматураси ва сеткалар ишлаб чиқарилди. Корхона тўлиқ қувват ишлаб бошлагач, йилига 4 минг тонна базальт толаси ва 4800 тонна арматура тайёрланади.

Базальт арматурасининг металл арматурадан фарқи шундаки, у 8 баробар енгил, 3 баробар мустаҳкам, зангламайди, ўзидан



электр токини ўтказмайди. Шунингдек, металл арматурадан 30 фоиз арзон ҳамда 100 йилгача ўз хусусиятини йўқотмайди. У минтақамизда ягона ва МДХ давлатларида иккинчи шундай корхонадир.

Давлатимиз раҳбари корхонадаги иш жараёнини кўздан кечирди. Бу ерда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатини янада ошириш, таннархини камайтириш, ҳажминини кўпайтириш борасида тизимли ишларни амалга ошириш юзасидан мутаассадиларга топшириқлар берди.

Президентимиз куннинг иккинчи ярмида Мирзачўл туманига келди.

Шавкат Мирзиёев Мирзачўл тумани Га-лаба маҳалласида "Обод қишлоқ" дастури доирасида амалга оширилган ишларни кўздан кечирди.

Чўлда жойлашган ушбу туман узоқ йиллар эътибордан четда қолиб кетган эди. Инфратузилма объекти эскириб, одамлар турмушида қийинчиликлар юзага келганди.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан "Обод қишлоқ" дастури қабул қилинган, кўп-ла ҳудудлар сингари Га-лаба маҳалласи ҳам то маънода обод бўлди. Янги уй-жойлар, ижтимоий объектилар қурилди, йўл бўй-лари ва майдонлар ободонлаштирилди. Бугун бу жойлар янги қиёфа касб этган.

Президентимиз ҳудуддаги "Мирзачўл тикувчилик мажмуаси" масъулияти чекланган жамиятида бўлди.

Маҳалла ҳудудида дастур доирасида собиқ пахта тозалаш корхонасининг бўш турган биноси реконструкция қилиниб, ушбу лойиҳани амалга ошириш учун 3 миллиард сўмлик қурилиш, таъмирлаш ва жиҳозлаш ишлари бажарилди.

Эски уйлاردан замонавий уйлارга кўчиб чиққан оилалар уй бекалари ва касб-ҳунар коллежларини битирган қизлар "Тадбиркор аёл" уюшмаси кўмагида тикувчилик касбига қайта тайёрланиб, иш билан таъминланди. Жамоа "Ўзбекпахтасаноат" тизимидаги ва бошқа корхоналарга шартнома асосида махсус кийимлар тиқиб бераётди. Аини пайтда корхонада эрақлар ва аёллар учун жинси матосидан кийим-кечак ҳам тиқилмоқда.

Мирзачўлни янада обод қилишга доир ишларни бундан кейин ҳам тизимли давом эттираемиз. Мақсадимиз одамларни рози қилиш, уларга муносиб турмуш шароити яратиш, деди Шавкат Мирзиёев.

Президентимиз Га-лаба маҳалласи Баро-кат кўчасида яшовчи Мақсуд Мисиров хона-донда бўлди. Хонадон эгаларини янги уй билан табриқлади. Қайд этди керакки, М.Ми-сировнинг турмуш ўртоғи Маърифат Ҳайдарова ва қизи Моҳинур Меликулова "Мирзачўл тикувчилик мажмуаси"да меҳнат қилади. Улар яратилган замонавий шароитлар учун

Ўзбек ва қозоқ халқлари санъатидан на-муналар ижро этилди.

Шавкат Мирзиёев Мирзачўл туманида-ги "Бинафша" давлат мактабгача таълим муассасасида яратилган шароитлар билан танишди.

2018 йилда "Обод қишлоқ" дастури асосида капитал таъмирланган боғча 280 ўринга мўлжалланган. Бу ерда болажонлар-нинг замонавий таълим-тарбия олиши учун барча шароит яратилди. Машғулот хона-лари болаларни мактабга тайёрлашдаги энг илгор методикалар асосида замонавий ин-вентарлар билан жиҳозланган. Кичик спорт ва ўйин майдончаси қурилган. Турли ин-терфаол ўйинлар, ақлни чархашга кўмак-лашувчи жиҳозлар болаларда дастлабки билим ва кўникмаларни шакллантиришга хизмат қилади.

Мактабгача таълим тизимини ривожлан-тириш, фарзандларимизга яхши тарбия бериш доимий эътиборимизда бўлади. Боғ-чага борган боланинг соғлиги мустаҳкам, дунёқарши кенг, ўзига ишончи юқори бў-лади, деди Шавкат Мирзиёев.

Президентимиз бу борадаги ишларни изчил давом эттириш, давлат ва хусусий боғчалар ташкил этиш орқали болалар қамровини кўпайтириш, шу билан бирга, таълим-тарбия сифатини ошириш зарурли-гини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари Мирзачўл тумани-даги кўп тармоқли марказий поликлиникани кўздан кечирди.

Айтиш керакки, мазкур тиббиёт муассас-аси мамлакатимизда намунали кўп тар-моқли марказий поликлиника сифатида иш бошлаган.

1976 йилда қурилган бу поликлиника би-носи шу кунга қадар капитал таъмирланма-ган эди. "Обод қишлоқ" дастури асосида му-ассаса учун янги бино қурилди. 250 қатновга мўлжалланган поликлиникада 100 дан зиёд иш ўрни яратилди.

Замонавий тиббий жиҳозлар билан таъ-минланган поликлиникада жарроҳ, педиатр, УТТ шифокори, стоматолог, терапевт, ЛОР, офтальмолог, травматолог, невропатолог, психиатр каби мутахассислар аҳолига тиб-бий хизмат кўрсатади.

Кўп тармоқли марказий поликлиника "Саломатлик-3" лойиҳаси доирасида вело-эргометр, гастрофиброскоп, рақамли рент-ген, УТТ аппарати, биохимик анализатор, автоклаф, центрафуга, ЭКГ, стоматологик жамланма, аудометр, автарефрактометр каби тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳоз-ланган.

Янги бинода аҳолига янада қулайлик яратиш мақсадида электрон рўйхатга олиш тизими жорий қилинди. Аёллар маслаҳатхо-

расмийлаштириш учун энг сўнгги ускуналар билан жиҳозланган.

"Фуқаролар эмас, ҳужжатлар ҳаракат-ланади" тамойилига мувофиқ, янги тизим Президентимизнинг "Халқ давлат идоралар-ига эмас – давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак", деган эзгу ғоясини сўзсиз амалга оширишга хизмат қилмоқда.

Давлат хизматлари фаолиятининг йўлга қўйилиши фуқароларнинг ҳам вақти, ҳам маблағини тежашга хизмат қилади. Аҳоли томонидан қилинаётган ҳар бир муурожаат эътиборда бўлади, деди Шавкат Мирзиёев.

Давлатимиз раҳбари "Мирзачўл текс" МЧК фаолияти билан танишди.

Корхона фаолияти уч босқичли лойиҳа асосида йўлга қўйилди. Биринчи босқич 2018 йил декабрь ойида ишга туширилган. Хитой, Туркиядан 100 донна тикув дастгоҳи келтирилиб ўрнатилди. Аини пайтда бу ерда импорт ўрнини босувчи экспортбоп маҳсулот-лар, хусусан, жинси шимлар тиқилмоқда. 70 дан зиёд хотин-қиз иш билан таъминланган.

Лойиҳанинг 2-босқичида жинси мато тўқиш йўлга қўйилди ва 240 иш ўрни ярати-лади. 3-босқичида ип-калага йиғирув амали-ёти ишга туширилади. 2021 йилгача корхона тўлиқ қувват билан ишлаши кутилмоқда. Бу туманда 800 га яқин иш ўрни яратиш имко-нини беради.

Шавкат Мирзиёев корхона фаолият-ига доир зарур кўрсатмаларни берди. Хотин-қизларни иш билан таъминлашга доимий эътибор қаратиш зарурлигини таъ-кидлади.

Шу ернинг ўзида вилоятни ижтимо-ий-иқтисодий ривожлантириш лойиҳалари тақдими бўлиб ўтди. Хусусан, мамлака-тимизнинг Россия Федерацияси, Франция ва Беларусь Республикаларидаги элчи-хоналари томонидан вилоятга жалб қилин-ган инвестициялар тақдими ўтказилди, шунингдек, Жанубий Корея, Туркия, Ҳинди-стон, Хитой каби давлатлардан келган ин-весторлар ўз лойиҳалари ҳақида давлатимиз раҳбарига сўзлаб берди.

Тақдимиотга кўра, россиялик инвестор-лар ёритиш ускуналари, автомобиль эҳтиёт қисмлари ишлаб чиқариш, қишлоқ ҳўжалиги-га замонавий технологияларни жорий этиш, франциялик ишбилармонлар эса архитекту-ра ойналари ишлаб чиқариш, мевани қайта ишлашга қизиқиш билдирмоқда. Шунингдек, Францияга анор, қовун, қизилмия илдизини экспорт қилиш режалаштирилган.

Президентимизнинг Жиззах вилоятига ташрифи давом этмоқда.

Умар АСРОРОВ,
Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
Улугбек АСРОРОВ,
ЎЗА махсус мухбирлари

◀ O'zLiDeP фракциясида



Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги O'zLiDeP фракциясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Тадбирда фракция аъзолари билан бирга партия Снэсий Кенгаши Ижрония кўмитаси масъул ходимлари, халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари депутатлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Давлат дастуридан келиб чиқадиган вазифалар муҳокамаси

Фракция раҳбари вазифасини бажарувчи Адҳам Шодмонов олиб борган йиғилишда 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили"да амалга оширишга оид давлат дастурининг маз-мун-моҳияти хусусида сўз юритилиб, мазкур ҳужжатнинг ижросини назорат қилиш юзасидан O'zLiDeP фракцияси олдида турган устувор ва-зифалар атрофида муҳокама қилинди.

Кўп тартибдаги масала бўйича фракция аъзоси Раҳимжон Ҳақимов маъруза қилди. Унинг алоҳида таъкидлашича, давлат дасту-ри лойиҳасининг жамоатчилик муҳокамасида партия электорати саналган тадбиркорлар, парламент аъзолари, маҳаллий кенгашлар де-путатлари, нодавлат ва нотижорат ташкилот-лар, илмий-тадқиқот марказлари вакиллари, экспертлар фаол қатнашди. Улар томонидан 4100 дан зиёд тақлифлар билдирилди. Лойиҳа дастлаб 253 та бандни ўз ичига олган бўлса, давлат дастури қабул қилингандан сўнг унинг бандлари 274 тага етди. Лойиҳанинг энг кўп муҳокама қилинган бандлари сифатида кор-рупцияга қарши курашиш, парламентнинг нор-ма ижодкорлиги ва назорат функцияларини кучайтириш, ягона кадрлар сиёсатини шакл-лантириш, Вазирлар Маҳкамаси аъзоларини тасдиқлашнинг янги амалиётини жорий этиш масалаларини келтириш ўринлидир.

O'zLiDeP фракцияси аъзолари ҳам давлат дастури лойиҳасини тақомиллаштириш ҳақида юзга яқин тақлифлар киритди ва улар ОАВда эълон қилиб борилди. Хусусан, депутатлар то-монидан берилган тақлифлар орасида респу-бликада халқроқ миқёсда тан олинган таникли арбитраж ташкилотларининг филиалларини ташкил қилиш орқали уларнинг тажрибалари-ни мамлакатимизда кенг қўллаш, суд ва ҳуқуқ-ни муҳофаза қилувчи органларида узоқ муддат давомида бенуқсон фаолият кўрсатаётган ўрта ва ўрта махсус маълумотли ёки бошқа мута-хассислик бўйича олий маълумотга эга ходим-ларни кейинчалик мазкур органда камиди беш йил ишлаб бериш шарти билан имтиёзли ра-вишда шартнома асосида сиртқи бўлимларда олий юридик таълим муассасаларига қабул қилиш ва мақсадли тайёрлаш тизимини жорий этиш масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

Энергетика соҳасида давлат иштирокини камайтириб, босқичма-босқич хусусий сектор-га бериш тизимини жорий этиш, аҳоли талаби ва эҳтиёжга қараб энергия сифатини ошириб бориш тўғрисидаги тақлиф эса O'zLiDePнинг сайловолди платформасида назарда тутилган мамлакатимиз санотининг барқарор, жадал

ва мутаносиб ривожланишини таъминлаш, унинг асосий тармоқларида таркибий ўзга-ришларни чуқурлаштириш, маҳсулот ишлаб чиқаришни диверсификациялаш, экспорт са-лоҳиятини ошириш, ишлаб чиқаришни модер-низация қилиш, техник ва технология аниқлаш асосида корхоналар самарадорлиги ҳамда рақобатдошлигини янада оширишга хизмат қилади.

Мамлакатимиз иқтисодиёти рақобатдо-шлигини оширишнинг энг муҳим вазифа-ларидан бири бўлган энэргетика, йўл-транспорт, коммуникация инфратузилмаларини тақомил-лаштириш натижасида санотни ривожланти-риш каби устувор вазифалар ҳам партияимиз дастурий мақсадларидан ўрин олган. Шу босқ фракция аъзолари давлат дастури лойиҳасига "Ўзбекистон темир йўллари" АЖнинг экспорт учун мўлжалланган товарларни ташиб бўй-ича тўлов тарифларини камайтириш ва мазкур жараёни соддалаштириш, шунингдек, Евро-па Иттифоқи давлатларига маҳсулотлар ет-казиб бериш имкониятини ошириш натижасида логистика тизимини яхшилаш бўйича ҳам ўз тақлифларини киритишган. Бу борада янги энергетика қувватлари, электр энергияси ўт-казувчи тармоқларни яратиш, мавжудларни реконструкция қилиш, мамлакатимизнинг бар-ча минтақаларини ягона транспорт тизимига улаш, ташқи транспорт йўналишларига қулай тарзда чиқишни таъминлайдиган автомобиль йўллари ва темир йўл тармоқларини қуриш, реконструкция қилиш бўйича тизимли ва ком-плекс ишлар давом эттирилади.

O'zLiDeP фракцияси аъзолари Бекзод Ор-тиқов, Гулшана Худоберова ва бошқалар ҳам ушбу дастурий ҳужжатни қўллаб-қувватла-ган ҳолда, унинг ҳар бир банди ва йўналиши ижросини таъминлашда парламент ва сиё-сий партиялар зиммасига катта масъулият юкланганини, ҳар ойда сайлов округларида ўтказиладиган учрашуларда давлат дастури-нинг мазмун-моҳиятини аҳоли орасида тарғиб қилиш, устувор вазифаларнинг жойларда са-марали ижро этилиши устидан парламент ва жамоатчилик назоратини ўрнатиш зарурлиги-ни таъкидладилар.

Йиғилиш якунида 2017-2021 йилларда Ўз-бекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили"да амалга оширишга оид давлат дастури ижросини таъминлашда партия фракцияси олдида турган аниқ позиция белгилаб олинди.

Ўз мухбиримиз
Суратларни Солижон ЗОИРОВ олган.





Бахтиёр ЯКУБОВ,
O'zLiDeP Siёсий Кенгаши
Ижроия кўмитаси раиси
ўринбосари

Минтақа келажаги учун муҳим келишувлар

нинг минтақага муносабатида ижобий томонга сезиларли силжишлар бўлгани кузатилади. Масалан, ушбу ҳужжат қабул қилингунга қадар минтақамиздаги лойиҳаларни молиялаштириш ваколатига эга бўлмаган Лондондаги Европа инвестицион банки ҳамда Европа инвестиция фонди шундай мандатни қўлга киритди.

Бу каби мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин. Демак, Германия бугун нафақат ЕИда катта таъсир кучига, балки унинг Марказий Осиёга сиёсатини белгилашда етакчи мавқега эга давлатлиги билан аҳамиятлидир. Европа Иттифоқининг Марказий Осиё стратегияси қайси йўналишда кетиши минтақамиз учун қанчалик муҳимлиги ҳақида эса гапириш ҳам ортиқча.

Савол тугилиши табиий: хўш, ЕИ ва унинг локомитиви бўлган Германия Марказий Осиёга оид ўз сиёсатида асосан қайси масалаларга эътибор қаратмоқда, қандай муаммолар уларни кўпроқ қизиқтирмакда?

Ушбу саволга жавоб топиш нафақат Европа Иттифоқи, қолаверса, Германиянинг Марказий Осиё сиёсатидаги устувор йўналишларини аниқлаб олишга, балки нима учун уларни рўйбга чиқаришда айнан ўзбекистон билан муносабатларга алоҳида урғу берилётганини тушуниб олишга ёрдам беради.

ЕИнинг Марказий Осиё бўйича сиёсатида минтақада хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилади. Бу масала фарб давлатлари учун, айниқса, 2001 йилги Нью-Йоркдаги террористик хужжатлардан кейин ниҳоятда долзарб аҳамият касб эта борди. Ушбу фожиа дунёнинг бирор мамлакатни ўзини террористик хужжат қилаётган ҳудудлардан йироқдими деб беҳавотир яшай олмаслигини, бундай муаммоли минтақалар билан бевосита негатино рада бўлган давлатлар, хусусан, Марказий Осиё мамлакатлари билан яқиндан ҳамкорлик ўрнатилган тақдирдагина бундай балоларга самарали қарши туриш мумкинлигини кўрсатди.

Ўзбекистон минтақада хавфсизликни таъминлаш масалаларида доимо етакчи ўрин эгаллаб келганлиги аён. Мамлакатимизнинг бу борада ҳамма аниқ ва қатъий позициясига эгалиги, халқаро доираларда ҳам дунё эътиборини доимий равишда ушбу масалаларга қаратиб келаётгани жаҳон ҳамжамиятига яхши маълум. Айниқса, ўтган йилнинг март ойида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан ўтказилган халқаро конференция ва унинг асосида қабул қилинган Тошкент декларацияси Афғонистондаги вазиятни ўнглаш борисда мутлақо янги ва реал ечимлар ўртага ташланган ёндашув эканлиги билан ажралиб туради. Анжуман доирасида афғон муаммосини ҳал қилишдан манфаатдор бўлган дунё

ҳамжамиятига ўзига хос аниқ "йўл харитаси" тақдим этилгани яна бир бор Ўзбекистоннинг ушбу жиддий масалада минтақадаги алоҳида мавқега эга эканлигини кўрсатди.

Европа Иттифоқи, қолаверса, Германия сиёсатининг Марказий Осиёдаги устувор йўналишларидан яна бири савдо-иқтисодий муносабатларга, қолаверса, энергетика соҳасидаги ҳамкорлик масалалари билан чамбарчас боғлиқ. Албатта, ҳар бир давлат ўз мақсулотлари импорти учун янги бозорларни очишдан манфаатдор.

Шу ўринда Марказий Осиё тўғрисида гап кетар экан, бу минтақанинг қарийб 50% аҳолисини қамраб олган Ўзбекистон бу борада албатта муҳим ўрин тутати. Энергетика соҳасидаги ҳамкорлик ўз навбатида ЕИ давлатлари учун ҳам стратегик аҳамиятга эга. Бугун Европа Иттифоқида кирувчи давлатлар ўзларининг 70% гача нефтга, 40% гача газга бўлган эҳтиёжини импорт ҳисобидан қоплайди. Айниқса, саноат соҳаси ниҳоятда юқори даражада ривожланган Германия учун энергетика ресурслари билан узлуксиз таъминот фавқулодда муҳимдир. Бир ёки икки таъминотчи давлатга боғлиқ бўлиб қолмаслик мақсадида янги ҳамкорларни излаб топиш улар учун ҳаётий муҳим масалага айланган. Шу нуқтаи назардан Қозғистон, Туркменистон билан бир қаторда йирик энергия захираларига эга Ўзбекистон ҳам улар учун алоҳида қизиқиб объекти саналиши табиий.

Марказий Осиёнинг Европа билан Шарқий ҳамда Жанубий Осиё ўртасидаги, янада кенгрок маънода Евроатлантик ва Сент-Тинч Океани минтақалари ўртасидаги савдо алоқаларида ўзига хос коридор – боғловчи ҳудуд сифатидаги аҳамияти ошиб бораётган. Европада ушбу минтақаларни ўзаро савдо йўллари билан боғлаш масалаларида ҳам янги имкониятларни излаб топишга катта аҳамият қаратилмоқда. Глобаллашадиган, ўзаро иқтисодий боғлиқлик тобора ошаётган бир даврда логистика тизимларини кенгайтириш ниҳоятда муҳим роль ўйнаши табиий, албатта. Қадим даврлардан Буюк Ипак йўлида ўзига хос ўрин эгаллаб келган Марказий Осиёнинг мазкур масаладаги мавқеи эса бўлакча. Ўз навбатида, минтақанинг марказий давлати ҳисобланган Ўзбекистоннинг позицияси бу борада ҳам ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

ЕИнинг минтақамизга алоқадор устувор йўналишларини яна санаш мумкин. Лекин уларнинг барчаси бўйича самарали ечим, аввало, Ўзбекистоннинг позициясига бевосита боғлиқлиги ҳар қадамда кўзга ташланаверди. Мана шуларнинг ўзиданок ЕИнинг, хусусан, Германиянинг Марказий Осиё билан ўзаро муносабатларида нимага айнан Ўзбекистон билан ҳамкорликка эътибор қаратиётганини англаб олиш қийин эмас.

Шу ўринда навбатдаги савол тугилади. Хўш, ЕИ ўзи учун Марказий Осиёда амалга оширилиши устувор деб билган масалалар минтақамиз давлатлари, хусусан, Ўзбекистон учун қанчалик манфаатли? Эътибор беринг, европаликлар Марказий Осиё йўналишида илгари сураётган лойиҳаларини ушбу ҳудудда тинчлик ва барқарорлик қарор толган, иқтисодиёт ва демократия ривожланган шароитдагина амалга ошириш мумкин деб ҳисоблайди. Бундай ёндашув, қолаверса, юқорида келтириб ўтилган асослар ЕИ ва Марказий Осиё ҳамкорлигидан кўзланган мақсадлар ҳар икки минтақа давлатлари манфаатларига тўла мос келишини яққол ифодалайди.

Мазкур фикрлар ўтган ҳафтада Германия ва Ўзбекистон раҳбарлари томонидан қабул қилинган қарорлар, ўзаро манфаатли келишувлар нафақат икки давлат учун, балки бутун минтақамиз учун нақадар катта аҳамиятга эгалигини кўрсатади.

Мамлакатимиз раҳбарининг Германияга сафари ёритилган ахборотларнинг қисқа сатрлари ортида яширинган яна бир муҳим жиҳатга ойдинлик киритсак. Аҳамият ОАВлар ушбу таширнинг икки давлат ўртасидаги муносабатларда янги босқични бошлаб берган воқеа бўлганига қайта-қайта урғу беришди. Бир қарашда мазкур тезислар дипломатик нуқтаи назардан айтилаётгандек туюлиши мумкин. Аслида эса бунинг замирида жуда катта умид ва ишонч ётибди десак муболага бўлмайди.

Сабаби эса қуйидагича: Европа Иттифоқи ва, хусусан, Германиянинг Марказий Осиё сиёсатида илгари сураётган режалари қайси соҳага дахлдор бўлмасин, аввало, минтақа давлатлари ўртасида дўстона ва ўзаро ишончга асосланган яқин алоқалар шароитидагина рўйбга чиқиши мумкинлигига урғу берилди.

Ўтган йиллар давомида минтақа давлатлари ўртасидаги муносабатлар бундай яқинлик ва ишонч муҳитидан биров узоқ бўлгани сир эмас. Алоҳида таъкидлашни истардик, кейинги икки йилда айнан Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг сазъ-ҳаракатлари билан бу борада ижобий томонга кескин силжиша эришилди. Мамлакатимиз раҳбарининг Германия федерал президенти Франк-Вальтер Штайнмайер, федерал канцлери Ангела Меркель билан учрашуварларида бу ўзгаришлар алоҳида эътироф этилди. Бевосита Ўзбекистон етакчисининг қатъий сазъ-ҳаракатлари тўғрисида бундай минтақа давлатлари ўртасидаги муносабатларда шаклланган мутлақо янги, ўзаро ишонч муҳити илгари бу ҳудудда амалга ошириш қийин бўлган кўплаб ижобий ўғришларни рўйбга чиқаришга, давлатларо муносабатларни мутлақо янги сифат босқичига кўтаришга асос яратмоқда.

Ўзаро ишончнинг дастлабки саволлар икки давлат ишбилармон доиралари иштирокида бўлиб ўтган бизнес-форумда тузилган шартномалар умумий миқдорининг 8 миллиард доллардан ошганида, "Siemens", "ThyssenKrupp", "Class", "Knauf", "Volkswagen" каби ўнлаб етакчи компаниялар билан тузилган битимларда ўз ифодасини топди. Яъни, тузилган ҳар бир шартнома Ўзбекистон иқтисодиётига киритилётган инвестиция, қўшимча маблағгина эмас, халқ ҳўжалигининг кўплаб соҳаларига татбиқ этиладиган мутлақо янги технологиялар, инновацион лойиҳалардир. Буларнинг барчаси ўз иқтисодиётини инновацион рельсларга ўтказиш йўлидан бораётган мамлакатимиз учун ниҳоятда муҳим десак муболага бўлмайди.

Шу ўринда яна бир жиҳатга эътибор қаратсак. Ушбу ташир тафсилотларига алоҳида таҳлилий мақола бағишлаган Россиянинг "Независимая газета" нашри шарҳловчиси, кўп йиллардан буён юртимиздаги сиёсий ва иқтисодий жараёнларни ёритиб келаётган мутахассис В.Панфилова Стратегик баҳолаш ва прогноз маркази директори И.Панкратенконинг қуйидаги фикрини келтиради: "Берлин иқтисодий форуми натижалари Ўзбекистон учун ўзига хос сиёсий, қақриқидир. Чунки имзоланган келишувларнинг ҳар бири Тошкент томонидан доимий мониторинг ва назорат талаб қилади. Бу ерда гап чет эл инвестицияларининг кириши ва фаолият кўрсатиши учун зарур бўлган ҳуқуқий моделни шакллантириш ҳақида бормоқдаки, у бизнес юртиш учун қўлай ва шаффоф шароитлар яратилишига ниҳоятда талабчанлик билан ёндашадиган ҳамкор учун ҳам мақбул бўлиши керак. Бир нарса ишонч билан айтиш мумкинки, агар шундай ҳаётий модель шакллантира олинса, ваҳоланки, ҳали бу ишни минтақадаги бирор қўшни давлат амалга ошира олган эмас, инвестициялар Ўзбекистонга ҳеч бир қийинчиликсиз кира бошлайди".

И.Панкратенконинг фикридаги икки жиҳатга эътибор қаратмоқчи эдим: энг талабчан чет эл инвестициялари учун ҳам мақбул бўла оладиган ҳуқуқий моделни шакллантириш ҳамда кириб келаётган инвестициявий лойиҳалар бўйича ишларнинг боришини мониторинг ва назорат қилишни тизимли йўлга қўйиш.

Мамлакатимиз раҳбари томонидан Германия ташир чоғида жуда муҳим биринчи қадам ташланди, яъни дунёга машҳур немис компаниялари инвестиция ва технологияларини мамлакатимизга жалб қилиш учун йўл очиб берилди. Бошланган ҳаракатлар мантиқий якунига етиши учун зарур бўлган кейинги ишлар – бевосита зарур қонунчилик асосларини такомиллаштириш билан боғлиқ ҳуқуқий моделни шакллантириш ҳам, парламент назорати воситаларидан

фойдаланган ҳолда инвестицион лойиҳаларнинг боришини назорат қилиш ҳам бевосита депутатлик корпуси ваколати доирасидаги масалалардир. Мана шуларнинг ўзиёқ сиёсий партиялар, биринчи навбатда, O'zLiDeP ва партиямиздан сайланган депутатлик корпуси олдида қанчалик кенг миқёсда ишлар турганини яққол кўрсатади.

Бунинг учун эса масалага ёндашувимизни тубдан ўзгартиришимиз зарур бўлади. Шу пайтгача мамлакат раҳбарининг ҳар бир чет эл сафаридан кейин сиёсий партиялар имзоланган келишувларни, сафар натижаларини кўллаб-қувватлашни билдирадими, шу билан ўз миссиясини бажарган ҳисобларди. Бугун юртимизнинг, керак бўлса минтақамизнинг эртанги кунига дахлдор ўзгаришлар юз бераётган даврда, ва, очиги, бу ўзгаришлар ҳар доим ҳам осонлик билан кечмаётган бир вақтда сиёсий партияларнинг ҳам, улардан сайланган депутатлик корпусининг ҳам жараёндаги иштироки фақат кўллаб-қувватлашдан иборат пассив кузатувчилик даражасида қолиши мумкин эмас.

Хўш, айнан ушбу ҳолатда бизнинг вазифамиз нималардан иборат бўлади?

Биринчидан, таҳлилчилар талабчан чет эл инвесторлари учун, аввало, уларни жалб эта оладиган ҳуқуқий модель зарурлигини гапиряётган экан, демак, биз депутатлик корпусимиз ваколатидан фойланган ҳолда бугунги чет эл инвесторларининг юртимиздаги фаолиятини тартибга солишчи қонунчилик базасини тўлиқ инвентаризациядан ўтказишимиз зарур. Бу борада хорижий амалиётда етарлича тажриба мавжудки, уларни пухта ўрганган ҳолда ўз қонунчилигимизни такомиллаштириш олдимиздаги энг муҳим вазифадир.

Иккинчидан, мамлакатимизга келаётган ҳар бир инвестор ҳудудларда эмн-эркин фаолият олиб бориши учун қўлай бизнес муҳитини шакллантириш, бу йўлда тўсиқ бўлаётган омилларни ўз вақтида аниқлаш ва зарур чораларни кўриш юзасидан қатъий парламент назоратини амалга ошириш маҳаллий кенгашларда энг йирик депутатлик корпусига эга O'zLiDeP учун устувор вазифага айланиши керак бўлади, токи ҳар бир инвестор ўз фаолияти парламент аъзолари, депутатларнинг доимий эътиборида эканини сезиб турсин. Ривожланган давлатларда вакиллик органлари, депутатларнинг бундай ҳимояси жуда катта ўрин тутати ва бизга келган инвесторлар ҳам, албатта, ушбу омилга ўзгача аҳамият билан қарашади.

O'zLiDePнинг "Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили" доирасидаги режаларига алоҳида эътибор қаратилади ва маслақ дошларимиз халқимиз учун муҳим бўлган жараёнларда фаол иштирок этади.

O'zLiDeP Siёсий Кенгаши Ижроия кўмитасида

Хусусий тиббиёт: ютуқлар кўпми ё тўсиқлар?

O'zLiDeP Siёсий Кенгаши Ижроия кўмитасининг аёллар билан ишлаш бўлими ташаббуси билан "Соғлиқни сақлаш соҳасида хусусий секторни ривожлантириш масалалари: амалиёт, муаммо ва истикболдаги режалар" мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Партиянинг парламентдаги фракцияси билан ҳамкорликда ўтказилган мулоқотда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, хусусий тиббиёт муассасалари вакиллари, халқ депутатлари Тошкент шаҳар ва туман кенгашларидаги O'zLiDeP депутатлик гурҳи аъзолари ҳамда журналистлар иштирок этди.

Тадбирда Президентимизнинг парламентга Мурожаатномасида тиббиёт соҳаси бўйича белгилаб берилган доларб вазифалар ва давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 7 декабрдаги "Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармонида баён қилинган вазифалар ҳусусида атрофлича сўз юритилди.

O'zLiDeP Siёсий Кенгаши Ижроия кўмитаси раиси Ақтам Хаитов давра суҳбати аввалида алоҳида таъкидлаб ўтганидек, юртбошимиз имзолаган мазкур фармонга му-

вофиқ тасдиқланган муҳим ҳужжат – 2019-2025 йилларда Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш концепцияси аввалгиларидан соҳадаги камчилик ва муаммолар жуда кенг қамраб олингани, мамлакатимиз тиббиётининг келгуси тараққиётини белгилайдиган кўплаб вазифалар яхлит йўсинда жамлангани билан фарқ қилади.

Зеро, ушбу ҳаётий концепцияни ишлаб чиқишда бир қанча вазирлик ва ташкилотлар, тиббиёт соҳасида фаолият олиб бораётган мутахассислар ўз тақлиф ва тавсиялари билан фаол иштирок этишган. Концепция бугунги кунда тиббиёт соҳаси ривожига тўсиқлик қилаётган камчилик ва муаммоларни бартараф этиши, тизимга инновацион ёндашувларни олиб кириши, энг асосийси, хусусий тиббиётни ривожлантиришга хизмат қилиши билан муҳим аҳамиятга эга. Партия дастури ва сайловолди



малакасини оширишнинг самарали тизимини шакллантириш ва бошқа чора-тадбирлар тизимининг ҳар томонлама юксалишини таъминлайди.

Давра суҳбати қатнашчилари томонидан кейинги йилларда соғлиқни сақлаш соҳасида хусусий секторни ривожлантириш борисида изчил ишлар амалга ошириляётгани таъкидланди. Ибратли жиҳати, хусусий тиббиёт учун 41 та "ноль" қийматида бино, 82 нафар тадбиркорга ер берилиб, улар учун жами 82 миллион доллар кредит ажратилди, 16 таси чет эл инвестицияси иштирокида ташкил этилди. Шунга қарамасдан, айрим ҳудудларда хусусий клиникалар умуман фаолият юритмаётгани ҳам суҳбатда афсус билан тилга олинди.

Соҳа мутахассислари бир қатор тизимли муаммолар ҳақида ҳам тўхталиб, хусусий тиббиётни давлат тиббиёт ташкилотлари билан ҳамкорлик қилишига го бўлаётган тўсиқлар қўшимча молия ресурсларидан самарали фойдаланиш имконини чекаётганини қай эттишди. Тиббиёт амалиётининг таълим бериш жараёни ва илм-фан билан етарлича интеграциялашмагани, кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлашнинг замонавий тизимларини татбиқ этишдаги сусткашлик, соҳа ҳодимларини ижтимоий-моддий ҳимоя қилиш даражаси пастлиги, соғлиқни сақлаш тизимига ахборот-коммуникация технологияларининг кераклича жорий этилмагани каби қатор муаммолар соҳа ривожига го бўлмоқда.

Бу каби муаммоларни бартараф этиш ва уларга амалий ечим топиш, мавжуд меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартириш киритиш ва уларда хусусий тиббиётни янада ривожлантиришга оид нормаларни акс эттириш бўйича партия фаоллари томонидан 50 га яқин аниқ тақлифлар билдирилди.

O'zLiDeP матбуот хизмати

Ибрат

Ишончни йўқотиш осон, топиш қийин

Партиямиз нуфузининг юксалиб бориши, сафимизга янги-янги кучлар келиб қўшилиши кўпгина омиллар, айниқса, оммавий-сиёсий тадбирлар, тарғибот-ташвиқот ишларининг нечоғлик таъсирчанлиги билан чамбарчас боғлиқ. Лекин жойлардаги айрим партиявий тадбирлар номигагина ўтказилган расми-ягчиликка айланган қолаётгани сир эмас.

Хўш, бундай салбий ҳолатларга қай йўсинда барҳам бериш мумкин? Фикримизча, партия томонидан ўтказилган "Энг намунали туман (шаҳар) партия ташкилоти" кўрик-танловининг республика босқичи голиби – О'зЛиДеР Шароф Рашидов туман Кенгаши ва унинг таркибидagi бошланғич ташкилотлар томонидан амалга оширилган кўпгина ишлар ўрнатилган кўрсаткичга, оммалаштиришга лойиқ.

Фикрини, бу фикр қандай бўлишидан қатъи назар, ҳеч бир монеликсиз, бемалол айтишига имконият яратамиз. Унинг танқид қилинишига, кескин муносабат билдирилишига йўл қўймаймиз. Имкон қадар кўпроқ тақлифлар, гоёлар олишга интиламиз. Кейин уларнинг айримларини биргаликда ривожлантирамиз. Якуний босқичда энг яхшиларини саралаб оламиз. Шу тариқа интерфаол усуллар бўйича тажриба орттириб,

қунда хусусий сектор вакилларининг юридик масалаларга оид билимларни эгаллашга иштиқоқ катталигидан далолат бермоқда. Фаоллар ҳам ана шу тенденциядан келиб чиқиб, ҳуқуқий мавзуларга бағишланган тадбирларга кўпроқ урғу бераёттилар.

Юзма-юз мулоқотлар асосида билдирилган тақлифлар, мурожаатлар бўйича жиддий иш олиб бориш, бу йўналишдаги ишларга депутатларни иложи борица кўпроқ жалб қилиш каби ҳам туманда уюштирилган тадбирлар самарадорлигини оширишга хизмат қилаёттир. Ўтган йили уюштирилган тадбирлар давомида аҳолидан 144 та шикоят қабул қилинди. Улардан 117 таси мурожаатчилар фойдасига ҳал бўлган, 12 таси тегишли ташкилотларда қўриб чиқилаётгани эътиборга молик.



2018 йилда партия туман ташкилоти ҳамда БПТлар, депутатлар саъй-ҳаракати билан турли мавзуларга бағишланган, аҳолининг ҳар хил қатламларига мансуб икки миң киши иштирок этган 40 дан зиёд давра суҳбати, семинар ва учрашув ташкил қилинди. Ўтган йил мобайнида тумандаги сафдошларимиз сони деярли миң нафарга кўпайиб, 3 171 тага етгани ҳам қўзланган натижаларга эришилганлигини далиллади. Партия аъзоларининг деярли 30 фоизи фермерлар, 17,1 фоизи тадбиркорлар, 15,4 фоизи ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳалари вакилларидан иборат эканини алоҳида қайд этиш зарур. Худуддаги фуқароларнинг партия фаолиятига қизиқиши янада кучайиб, тарафдорларимиз, хайрихоҳларимиз ҳам тобора ортапти. Албатта, бунга осонликча эришилмапти. Ижобий натижалар тинимсиз меҳнат, изланишлар завзига қўлга киритилган.

– Умуман олганда, ҳар қандай ижтимоий-сиёсий тадбир, ҳатто биз "расмиятчилик учун ўтказилган" дея баҳо берадиганлар ҳам аслида фойдадан холи эмас, – дейди партия туман Кенгаши раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати Дилора Юлдашева. – Шу маънодаки, йиғилганлар лоақал бир-бири билан мулоқотга киришадилар, озми-кўпми ўзаро фикр, тажриба алмашинуви кечади, бажарилаётган ишларни баҳолайдилар, нималарнидир қиёслайдилар, ўзларини қизиқтираётган саволларга жавоб топишга уринишлари ва ҳоказо. Шу боис партиявий тадбирлар қанча кўп бўлса, шунча яхши, деган фикрдаман. Бироқ бу мулоҳазадан, тадбирни номигагина ўтказса ҳам бўлаверди, деган маъно чиқмаслиги керак. Савияси паст йиғилишлар сурункали давом этаверса, уларга одамлар буткул келмай қўйишади.

Биз ўтказилган тадбирлар мониторингини изчил олиб борамиз. Хусусан, Кенгаши аъзолари, таянч тузилмалар етакчилари иштирокида ҳар бир тадбирга холис баҳо беришга, уни муҳокама қилишга ҳаракат қиламиз. Бунда иштирокчининг ўз

уни турли йиғилишларда қўллашга уринялмиз.

Дарҳақиқат, сафдошларимиз тадбирларга партия электорати вакилларини кўпроқ жалб этиш йўллари кидирмоқдалар. Бу жараёнда эса аввалги хатолар, камчиликлардан тегишли хулосалар чиқариштилар. Масалан, аҳолининг турли қатламлари вакиллари, ёши, дунёкараши, касб-кори орасида катта тафовут бўлган кишилар қатнашувчи, кўп одам тўпланадиган йиғинлардан аста-секин воз кечилапти. Зеро, партия туман Кенгаши раисининг фикрича, кун тартибидagi муайян масала маълум тоифадагиларни жуда қизиқтириши, айни пайтда бошқаларнинг эътиборини мутлақо тортмаслиги мумкин. Бинобарин, мулоқотлар ташкил қилишда ана шу жиҳат ҳам ҳисобга олинапти. Яъни, аниқ бир мавзу танланиб, унга бевоқиф дахли бўлган, ундан қандайдир даражада манфаатдор бўлган кишиларгина тақлиф этилапти.

Ўтган йиллардан олинган яна бир сабоқ: режалаштирилган тадбирнинг ҳар бир иштирокчисига мавзу бўйича материални етказиш керак, токи у йиғилиш мақсади тўғрисида аниқ-равшан тасаввурга эга бўлсин, пухта тайёрланиб келсин. Ҳозир туманда тадбир эълон қилиниши, тарқатма материаллар билан боғлиқ ишларга, бу борада ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишга жиддий эътибор қаратилганлиги таъкидланапти. Тахлилларнинг кўрсатишича, ёши қирққа етмаган тадбиркорлар кўп масалаларда ахборот алмашинувининг замонавий воситаларига мурожаат этмоқдаларки, бу айни йўналишдаги ишларни жонлантиришга ундамоқда.

Шунинг баробарида тадбир ташкилотчиларининг аввало ўзлари мавзунинг чуқур аниқлашлари талаб этилади. Шундангина йиғилишга кимларни ва қандай мутахассисларни тақлиф қилиш керак, деган саволларга бехато жавоб топилади, тадбир сермазмун, қизиқарли ўтишига замин яратилади.

Шунингдек, кузатувлар бугунги

Шунинг баробарида партия туман бўлими ходимлари О'зЛиДеР Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси ишчи гуруҳи вакиллари билан биргаликда "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастурларига киритилган ҳудудларда ҳам бўлиб, 300 га яқин хонадон эгалари билан юзма-юз мулоқотга киришдилар. Ҳаракатлар асосида одамлар томонидан 111 та муаммо ўртага ташланди. Маслаҳатдошлар, хусусан, депутатларимиз мутасадди ташкилотлар диққат-эътиборини қаратишга муваффақ бўлгани боис 108 та масала ижобий ечим топди.

О'зЛиДеР бошланғич ташкилотлари ўз томоқсидида фаолият бошлаганларга кўмақдош лойиҳаси ҳаётта татбиқ қилиниши жараёнида ҳам сафдошларимиз одамлар орасида янада чуқурроқ кириб бордилар, аҳолининг талаб-истаклари, эҳтиёжлари, муаммолари борасида янада теран тасаввурга эга бўлдилар. Лойиҳа доирасида туманда иш олиб бораётган қўйи тузилмаларнинг барчаси – 89 та БПТ 440 та хонадонга бириктирилган. 13 та оилага кўчат ва уруғлар олиб берилди, 16 та хонадон эгасига банкдан кредит олишига ёрдам кўрсатилди, 80 дан зиёд оилага бошқа масалаларда кўмак берилди.

– Партиямиз дастурий гоё ва мақсадларига эргашувчилар, бизни қўллаб-қувватловчилар янада кўпайиши учун энг самарали йўлни танлади, яъни омма орасига фаол кириб бораётти, одамлар билан юзма-юз бўлиб, тадбиркорлик ривожининг зарурати, хусусий секторнинг мамлакатимиз равнақида тутган ўрни, аҳамияти тўғрисида сўзлашялмиз, – дейди партия туман Кенгаши аппарати раҳбари Фарҳод Маматқуллов. – Шу билан бирга партиявий фаолият жараёнида ўрта қатлам вакиллари ташвишга солаётган муаммолар ечимини изланяпти, тадбиркорни қўллаб-қувватлаш йўллари кидириляпти ва топиляпти. Ана шу ишлар билан бизга билдирилган ишончни оқлашга ҳаракат қилаялмиз.

Бехзод ИСРОИЛОВ,
"XXI asr" мухбири

Ишонмаяписизми? Худди шундай. Қаҳрамонимиз – каттақўрғонлик Зубайдулла Мирзаев 12 сотих ердан йилига беш мартаба ҳосил олиб, 100 миллион даромад кўради. Ҳозир ҳам у кишининг ховлисида кўкатлар барқ уриб ётибди.

– Бу ерга аввал редиска экандим. Янги йил байрамида сотиб, ўрнига яна кўкат эқдим. Мартдан октябргача икки мартаба бодринг экиб, ҳосил оламан. Ишнинг кўзини билсангиз, ер билан тиллашсангиз, томорқадан тўрт фаслда ҳам бирдек ҳосил олиш мумкин, – дейди отахон. – Олтмиш йилдирки, деҳқончилик билан шуғулланаман. Деҳқончилик сир-асрорларини нафақат фарзандларимга, қўни-қўшни, маҳалладошларга ҳам ўргатаман.

Дарвоқе, отахон О'зЛиДеР ташкил топганининг 15 йиллиги муносабати билан эълон қилинган акциялар доирасида "Энг фаол томорқачи" номинацияси голиби бўлган эди. 2018 йил якуний сарҳисобларига кўра у киши яна "Йилнинг энг фаол томорқачиси" деб топилди.

– Бугун оилавий тадбиркорликка катта эътибор қа-



Фидойилар

80 ёшли отахон – энг фаол томорқачи

ратилмоқда. Томорқасидан унумли фойдаланиб, фарзандларига ибрат бўлаётган, уларни меҳнат қилишга ўргатиб, янги иш ўрни яратиб, оила фаровонлиги, юртдошларимиз дастурхони тўкин-сочинлигига ҳисса қўшаётган одамларни ҳар қанча тақдирласак оз, – деди партия Самарқанд вилоят Кенгаши бўлим мудирини Қодир Шойимов. – Шундай тадбиркорлар сафини янада кенгайтириш тарафдоримиз. Шу боис Зубайдулла отанинг томорқачилик мактабини Самарқанд вилояти бўйлаб оммалаштиришни мақсад қилганмиз.

О'зЛиДеРнинг Самарқанд вилоят Кенгаши фаоллари отахоннинг хонадонига бўлиб, диплом ва эсдалик совғаларни топширишди. Айниқса, ўз ҳаёти ва фаолияти ақл этган суратлардан иборат альбомни кўриб, Зубайдулла Мирзаевнинг кўзларини намланди. Бу ёшлар, албатта, севинч ёшлари эди.

Бахтигул ҚАРШИЕВА,
О'зЛиДеР Самарқанд вилоят
Кенгаши матбуот котиби

Ходимлар малакаси оширилди

Мамлакатимизда сиёсий партиялар ривожланиб бораётган сари уларда фаолият юритадиган ходимлардан ҳам ташаббускорлик, янги қонун ҳужжатлари, фармон ва фармойишлар мазмун-моҳиятини аниқлашда пешқадамлик талаб қилиниши табиий, албатта.

О'зЛиДеР Хоразм вилоят, туман (шаҳар) кенгашлари ходимлари учун партия Сиёсий таълим маркази томонидан ташкил қилинган ўқув семинари ана шу мулоҳазалар билан бошланди. Ҳаракатлар стратегиясини "Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили"да амалга оширишга оид давлат дастурида белгиланган вазифалар тўғрисида иштирокчиларга кенг маълумот берилди.

– Давлат дастурининг энг муҳим йўналишларидан бири ишлаб чиқариш, тадбиркорликни ривожлантириш, инвестиция киритиш масалаларига қаратилган, – дейди партия Богот туман Кенгаши аппарати раҳбари М.Машарипов. – Бугунги ўқувда ҳам асосан давлат дастурининг электоратимиз манфаатларига мос бандлари, уларни жойларда тарғибот қилиш механизмлари борасида фикр алмашдик.

Ўқув семинарида "Юксалиш" умумийлик ҳаракати ва унинг вазифалари, мазкур ҳаракат раҳбарини Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари орасидан, худудий бўлинмалар раҳбарларини эса халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари депутатлари орасидан сайлаш, улар бир вақтнинг ўзида



Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимининг маслаҳатчиси ҳисобланиши таъкидланди.

Семинар қатнашчилари гуруҳларга ажралган ҳолда, бошланғич ташкилот ва партия электорати билан тарғибот тадбирлари ташкил қилишда аҳамият қаратилиши лозим бўлган муҳим жиҳатларга тўхталиб, ўз тақлифларини билдирилди. Хусусан, тарғибот тадбирларига партия фаоллари

ҳамда маҳаллий кенгашлардаги депутатлик гуруҳи аъзолари билан бир қаторда кўзга кўринган иқтисодчилар, ҳуқуқшуносларни жалб қилиш, уйда ўтирган аёллар орасида ўз ишини йўлга қўйган ва

бугунги кунда бизнес соҳасида муайян ютуққа эришган тадбиркорлар билан маҳорат машғулоти ташкил қилиш, тарғибот гуруҳи аъзолари ҳамда БПТ раислари иқтисодий терминларни осон тушуниб олишлари учун қўлланмалар ишлаб чиқиш бўйича аниқ тақлифлар ўртага ташланди.

Дурдона ҚОБУЛОВА,
О'зЛиДеР Хоразм вилоят
Кенгаши ҳузуридаги
Сиёсий таълим маркази раҳбари

Мадад

Тадбиркор О'зЛиДеР ёрдамидан миннатдор

Муҳаммаджон Умаров Андижон туманидаги Каттагузар маҳалласининг Узун кўчасида истиқомат қилади. Тадбиркорликнинг балиқчилик йўналишида фаолият бошлаш истагида бизнес лойиҳа тузганига анча бўлган. Мазкур лойиҳадан туман ҳокимлиги мутасаддилари ҳам яхши хабардор. Бироқ негандир ер ажратиб масаласи пайсалга солинаверди. Охир-оқибат тадбиркор ёрдам сўраб, О'зЛиДеР Андижон туман

Кенгашига мурожаат қилди. Партиямиз вакиллари тегишли ҳужжатларни, сўралаётган ер майдонини, бизнес лойиҳани атрофлича ўрганишди. Муаммони ҳал қилиш учун ваколат, имкониятларини ишга солишди.

– Тумандаги Т.Мирзаев массивининг Отчопар маҳалласида туман захирасига олинган ерлар бор эди, – дейди тадбиркор. – Ана шу ерлардан эҳтиёжимизга етарлисини сўраганимиз. Тўғри, партия ташки-

лотига мурожаат қилганимга қадар анча овора бўлдим. О'зЛиДеР Андижон туман Кенгаши ходимларига раҳмат! Уларнинг ёрдами билан ўша ҳудуддан 2,7 гектар ер майдонини балиқчилик фаолиятини йўлга қўйишимиз учун ажратилди.

Айни вақтда лойиҳада баён қилинган ишлар бошланди.

Дилшодбек АБДУЛЛАЕВ,
О'зЛиДеР Андижон туман Кенгаши
аппарати раҳбари

Мўйноқни энди дунё танийди

Орол денгизининг қуриган майдонидан чучук сув чиққани ҳақидаги хушxabар санокли сониялар ичида бутун оламга тарқалди

Шағала – Мўйноқ тумани марказидан қарийб 200, Нукус шаҳридан эса 400 чақирим узоқда эканлигини маҳаллий аҳоли ҳам, мутахассислар ҳам яхши билишди. Билмаганларга Возрождение ороли бор эдию, десангиз дарров эслайди. Ана шу жойда чучук сув топишгани чиндан-да қутилмаган воқеа-да, ахир!

Бийдай чўлда фонтан янглиг отилиб чиқаётган сув ҳажми секундига 7 литрга етаётгани кўпчилиكنинг ақлини шошириб қўйгани рост. Шунинг учун ҳам бу ерда Қорақалпоғистон Республикаси Жўрғи Кенгеси раиси Муса Ерниязов, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Отабек Муродов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Очилбой Раматов иштирокида ўзига хос тадбир ташкил этилди. Юз берган воқеликнинг долзарб аҳамияти ҳақида сўз юритилган мулоқот сўнггида кўпни кўрган нурунийлар "Сендан ҳаракат, мендан баракат" деганларининг амалий исботи бу, дея дуога қўл очганларидан барчанинг кўнгли энтикиб кетгани ҳам ҳақиқат.

Оққоллар "Сендан ҳаракат..." деганда Оролнинг қуриган майдонига саксовул экиш жараёни умумийлик ҳаракатга айланганини назарда тутишгани табиий. Дарҳақиқат, жорий йилда 500 минг гектар ерга саксовул экиш белгиланган бўлиб, ҳозирда мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан мингдан ортиқ ишчилар, маҳаллий аҳолининг ақлидан қисми ушбу тадбир билан банд. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Мўйноқ туманига алоҳида эътибор қаратаётгани уларга куч-қувват бағишламоқда.

Аслида бу эзгу интилиш 2016-2017 йилларда Мўйноққа 101 километрик масофадан тоза ичимлик суви қувури тортилганда бошланган эди, десак муболага бўлмайди.

– Орол денгизи 45-50 йил давомида бир алоднинг кўз ўнгиде йўқолиб кетди, – дейди Халқ депутатлари Мўйноқ туман Кенгаши депутати А. Тилеёв. – Ҳозирда денгизнинг қуриган майдонига жуда катта саҳро пайдо бўлиб, ундан йилга 100 миллион тонна тузги чанг кўтарилади. Бу зарарлар ҳатто олис-олис музликлар, Европа давлатларигача етиб бораётгани рост. Айниқса, ўтган йили юз берган туз бўрони кўпчилиكنи ташвишга солиб қўйганди. Туз аралаш чанг тўзонининг қишлоқ хўжалигига зарари катта бўлиб, шўр қумлар экинлар барглрининг устки қисмини қоплаб, уларни қуйдириб юборган эди. Шундан сўнг ҳудудда бронхит астма ва аллергия ренит касалликлари кучайганлиги ҳақида мутахассислар бонг уришганди.

Лекин жаҳон муаммосига айланган Орол фожиаси оқибатларини юмшатиш юзасидан юртбошимиз ташаббуси билан самарали ишлар олиб борилаётгани одамларнинг кўнглини ёритяпти. БМТнинг Оролбўйи минтақаси учун Инсон ҳавфсизлиги бўйича кўп томонлама шериклик асо-

сида Траст фонди ташкил қилинган, унга Япония, Норвегия, Қатар ва Саудия Арабистони каби давлатлар маблағ йўналтиргани яна умид уйғотяпти.

Президентимизнинг 2017 йил ноябрь ойида Оролбўйи ҳудудига ташрифи чоғида аҳолининг истак ва тақлифларидан келиб чиққан ҳолда қабул қилинган Қорақалпоғистон Республикасини ривожлантириш дастурига 973 та лойиҳа киритилган. Ушбу дастур асосида қарийб 12 триллион сўм маблағ ажратилиб, 12-13 мингга яқин янги иш ўринлари яратилиши режалаштирилган. 2017 йил 28 февралда эса давлатимиз раҳбарининг "Қорақалпоғистон Республикаси Мўйноқ туманини 2017-2018 йилларда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва аҳоли бандлигини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори қабул қилинди.

Икки йилга мўлжалланган ушбу дастур бўйича бу ҳудудда замонавий меҳмонхоналар, ижтимоий объектлар, кичик саноат зоналари ташкил этилди. Оролбўйида экологик вазиятни барқарорлаштириш учун 5,5 миллиард АҚШ доллари сарфланади.

Ярим асрдан ортиқ вақт давомида 5,5 миллион гектарлик ҳудуди саҳрога айланган денгиз тубини ўрмонга айлантириш глобал муаммонинг мақбул ечимидир. Сўнгги йилларда Оролнинг қуриган тубида саксовул ва тузга чидамли бошқа ўсимлик турларидан 350 минг гектарлик ўрмон барпо этилди.

Президентимизнинг Олий Мажлисига Мурожаатномасида Орол денгизининг сувсиз ҳудудида келаси йилда 500 минг гектарлик ўрмонзор барпо этилиши таъкидлангани бежиз эмас. Айни пайтда бу ерда саксовул экишни самарали ташкил этиш бўйича бошланган ишлар қизгин давом этмоқда. Бир чизикка тизилиб, симметрия ҳосил қилган ҳолда ҳаракатланаётган техника воситаларини кузатган киши инсон ҳар қандай муаммони енгиб ўтишга қодирлигини ҳис қилади. Шу кунга қадар 77 минг 997 гектар майдонга қум сақловчи ариқлар тортилиб, 27 минг 215 гектар майдонга саксовул уруғлари сепилди ва кўчатлари ўтқазилди.

Самолётлар ёрдамида 18 марта парвоз амалга оширилиб, жами 4 минг 400 гектар майдонга саксовул уруғлари сепилди. Ушбу ишларга олимлар ҳам жалб қилиниб, тупроқ таҳлиллари олинмоқда. Мўйноқ далаларида ўсиб



турган саксовул уруғларини йигиб, штабга етказиб беришда 600 нафардан ортиқ маҳаллий аҳоли вакилларининг кўмаги катта бўлаётир.

Умуман олганда, саксовул лойиҳасига жами 1 минг 300 дан ортиқ фуқаро жалб қилинган бўлиб, улардан 900 нафари уруғ териш ишларида фаол иштирок этмоқда. Бу борада партияимиз электорати вакиллари бўлган тадбиркор ва фермерлар ҳам баҳоли қудрат ёрдам кўрсатиб, эзгу амалга муносиб ҳисса қўшишмоқда. Хусусан, O'zLiDeP аъзоси, Беруний туманидаги "Шуқурулло Бабажанов" фермер хўжалиги раҳбари З.Бабажанов Мўйноқ аҳолисига 3 тоннадан зиёд гўшт маҳсулотларини бепул етказиб берди.

Жорий йилнинг 30 январь куни O'zLiDeP Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши аппарати ва Мўйноқ туман Кенгаши ходимлари томонидан маҳаллий кенгашлар депутатлари билан биргаликда денгизнинг қуриган ҳудудидаги ерларни ўрмонзорга айлантириш бўйича саксовул уруғини йиғиш ва экиш ишларида иштирок этиш учун "Мақсадимиз – Оролбўйи халқларининг фаровонлиги" шиори остида акция ташкил этилди.

Қуриган ерларда ўрмонзорларнинг барпо этилиши ҳудудда яйловлар пайдо бўлиб, чорвачилик ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади. Бу эса, ўз навбатида, аҳолининг ижтимоий аҳоли ахшилланишига хизмат қилади, минтақанинг иқтисодий-ижтимоий масалаларига ечим бўлади.

Юқорида тилга олинган ҳужжатларга мувофиқ, Мўйноқ тумани маркази барча зарурий инфратузилмага, жумладан, инновацион мактаб, спорт объектлари, даволаш-про-

филактика муассасалари, замонавий аэропорт, меҳмонхона, савдо ва кўнгилочар дам олиш марказлари, "селфи объектлари", оптик толали интернет тармоғи, IP-телевидениега эга бўлган замонавий шаҳарга айлантирилади.

– Чучук сув қўларининг очилиши Мўйноқда чорвачилик соҳасини ривожлантиришга асос бўлади, – дейди Мўйноқ тумани ҳоқими Сайлаубай Данияров. – Шунингдек, экологик вазият яхшиланади. Ҳудудни тарқ этган қушлар, ёввойи ҳайвонлар кўпая бошлади. Биохилмаҳиллик ривожланади. Пайдо бўлган намлик эса тузнинг ҳавога кўтарилишига ҳам тўсиқ бўлади.

Оролбўйи дала гидрогеологик экспедицияси томонидан жорий йилда Мўйноқ туманида, яъни Возрождение ороли, Сурғил, Ахантай ҳудудларида шу каби 40 та сув қўларини очиб режалаштирилган. Бу ҳозирча биринчиси. Сув қўларининг очилиши Қорақалпоғистоннинг шимолий туманларида чорвачиликни ривожлантиришга замин яратади. Шунингдек, 2021-2023 йилларда Жанубий Оролнинг қуриб қолган қисмини геологик жиҳатдан ўрганиш ишлари олиб борилиши ҳам алоҳида дастур сифатида қабул қилинган.

Хуллас, Мўйноқдаги улкан бунёдкорликни, эзгу ҳаракат таърифини сўз билан келтириш қийин. Уни фақат бориб кўрмоқ, иш қўламининг нақадар улканлигини, одамларнинг шижоати нечоғли улғурлигини нигоҳлар ила илғамоқ, юракдан англамоқ мумкин.

Гулжан ХАЛМУРАТОВА,
O'zLiDeP Сийсий Кенгаши Ижрория
қўмитаси масъул ходими

Кўринг, ҳавас қилинг

Уч талабанинг отасиям ТАЛАБА


Иши беш, ўқини беш, ёши эллик беш Сувонқул Жўраевдан мактуб

Қунора ОАВнинг турфа қатмларида гаройиб хабарларни ўқиймиз. Масалан, "Хитойлик аёл 81 ёшида олий маълумот олди", "Ҳиндистонлик энг кекса талаба" каби янгиликларни олайлик. Аввалбошда ажибсиниб, кейин эса ичдан қойил қоламиз. Сабаби инсон вояга етувчун катта ҳаётга тайёрланиши, пенсияга чиққунга қадар эса фаол ҳаракатда бўлиши, ундан сўнг қариллик гаштини суриб яшаши керак деган ундалмаларга ичдан кўниб қолганимиздандир, балки. Ҳайратимизни ошираётган ана шу топмас куч соҳибларининг енгилмаслик, ишончни йўқотмаслик, бир сўз билан айтганда, позитивлик хусусияти атрофдагиларга қўшимча қувват бермай қолмайди, албатта. Не дейсизки, Ўзбекистонда ҳам бу борада ҳоржликлардан қолишмайдиган юртдошларимиз бор. Улар билан суҳбат қурган ўттиз ёш чоғроқ киши ҳозирги ҳолатидан уялиб қолса керак, ҳойнаҳой.

Жиззах давлат педагогика институтининг 55 ёшли талабаси Сувонқул Жўраев тахририятимизга хат йўллабди. Уч ўғилни вояга етказиб, олий маълумотли қилган, ўзи тез тиббий ёрдам хизмати (103)да узоқ йиллардан бери ҳайдовчилик қилиб келаётган бу қаҳрамонимизга нима етмайди дейсиз? Тўғри-да, бола-чақадан қутилган бўлсангиз, бу ёлга кўк чойни ичиб, захматдан келган ҳордиққа суяниб ўтиравермайсизми? Ахир ўқини битиреунча пенсияга чиқасиз, ширин жонингизни оғритамасдан пенсия пулини қўлтиққа уриб (етмаганини уч алп тўлдирди), янгамизни етаклаб ичкию ташқи туризм қилиб юрмайсизми?

Айни фикрлар кўпчилиكنинг хаёлидан ўтиши табиий. Майли, фалсафа сўҳби сабрингизни синамайлик. Сувонқул аканинг мурожаатини ўқинг-у, ўзингиз хулоса қилинг...

Ассалому алайкум!
Мен "XXI asr" газетаси орқали халқимизга, айниқса, ёшларга мурожаат қилмоқчиман. Ёшим 55 да. Урта мактабни аъло баҳолар билан тугатганман. Бироқ



турли сабаблар билан шу пайтга қадар олий ўқув юртида ўқий олмаган эдим.

Уч ўғил бор. Тўнғичим Жиззах шаҳридаги 5-умумтаълим мактабиде ёшлар иттифоқи етакчиси. Жиззах давлат педагогика институтининг жисмоний тарбия факультетини тамомлаган. Ўртача ўғлим ҳам шу институтнинг чет тиллар факультетини битириб, Пахтакор шаҳридаги 2-умумтаълим мактабиде дарс берапти. Кенжам Ички ишлар вазирлиги академиясининг 2-курс талабаси.

Халқ тили билан айтганда, ўзимдан тинчиганман. Шукрки, фарзандларимни олий маълумотли қилиб элга қўйиши бахти каминанга ҳам насиб қилаётир. Аммо ОТА деган буюк даражанинг чегараси йўқ. У ҳар неки бўлмасин, ҳеч қачон ен-

гилмаслик инстинктини издошларига кўрсатиб бориши шарт деб ҳисоблайман. Инчунин, одамнинг орузи пок бўлса, ниятга эришмай қолмайди. Армонли хотираларга берилиш, бўлар-бўлмасга ўқинавериш эса заифлики авж олдиради.

Шу десангиз, Президентимиз ташаббуси билан таълим соҳасида яна сиртки йўналишлар очилгани армонга айланган орзуларимни алангалатиб юборгандек, гўё. Хушхабарни эшитиб, 2018 йил Жиззах давлат педагогика институтининг тарих факультети сиртки бўлимига ҳужжат топширдим. Мингга яқин абитуриент орасида юқори натижа кўрсатиб (!) тўққизинчи ўринда талаба бўлдим!

Яширмайман, тўғридан-тўғри юзимга қарата ёки орқаваротдан "Жинни бўл-

дингми қариган чоғингда ўқиб? Ундан кўра санаторийга бор, тўй эгаси бўлиб тўрда ўтир, ҳажга бор", деганлар ҳам кўп учради. Гарчи "Бешиқдан то қабргача илм изла" деган ўғитни доим тилимдан қўймай келсам-да, ўша пайтлар бу сингари эътирозлардан кейин иккилана бошлагандим. Боз устига, Жиззах шаҳар тез тиббий ёрдам (103) бўлимида ҳайдовчи бўлиб ишлайман. Инсонлар ҳаётини сақлаб қолишда озми-кўлими ҳиссам борлигидан фахрланаман. Зеро, касбим масъулиятли ва савобли. Қолаверса, яқинда маошимиз оширилди. Янги машина янги тиббий ускуналар билан жиҳозланяпти. Қисқаси, маза қилиб ишлайдиган шароит. Лекин...

Мен халқимизга, юртимизга янада кўпроқ фойдам тегин, исплохотларда фаол иштирок этиб, ўғилларимга ўхшаган, керак бўлса, улардан ҳам билмили, кучли кадрлар тайёрлаш, ўз тажрибамни ўртоқлашиш учун ҳам ўқини давом эттиришга қарор қилдим. Тақдирининг тухфасини қаранки, камина талабалар гуруҳларга ажратилаётганда 103-гуруҳга тушибман! Ўйладим, бу синоат шуки, тез тиббий ёрдам хизмати (103)даги фаолиятим шу тарзда давом этади, мен тўри йўлни талабман... Ҳар бир мўмин-мусулмоннинг орузи – ҳажга бориш ҳам мавриди билан насиб этар, тўйлар ҳам қилармиз.

Давлатимиз раҳбари бошчилигида олиб борилаётган тараққиёт дастурига улш қўшсам, шу ҳаракатларнинг фаол қатнашчиси бўлсам дейман. Тафақури кенг кадрлар тайёрлаб, Ўзбекистонимизни қудратли давлатлар қаторига киришида бор кучимни, билимимни сафарбар этсам дейман. Шунга аминманки, ёшу қари фидокорлик билан ҳаракат қилсам, ниятимизга албатта етамиз. Биринчи Президентимиз Ислам Каримов таъкидлагандек: "Биздан озод ва обод Ватан қолсин!". Илло, бу юрда фарзандларимиз, набираларимиз, келгуси авлодларимиз яшайди.

Сувонқул Жўраев,
Жиззах давлат педагогика
институтини талабаси, 55 ёш

Фаолларимиз



Мен ҳам ишбилармон бўламан

Болалик ажойиб фасл-да, меҳрибону билимдон ўқитувчининг кузатиб педагог бўлгинг, беморлигингда ширин сўзи билан эркалаган шифокорга ҳавас қилиб оқ ҳалат кийгинг келиб кетади. Ёки замонавий шароитларда жавдон уриб ишлаётган мутахассисларни кўрсанг, уларнинг ўрнида бўлиб қолсам дейсан. Кўрғанинг – орзуларингга айланиб бораверадил, бир кунни рўёбга чиқини эса ҳеч гап эмас.

O'zLiDeP Амурдарё туман Кенгашининг "Аёллар қаноти" вакиллари бир гуруҳ қизларни тумандаги "Тамара – Феруза" хусусий корхонасига саёҳатга олиб борди. Мақсад бўлажақ уй бекаларини тикувчиликка қизиқтириш, тадбиркорлик соҳасидаги билим ва кўникмаларини ошириш эди. Корхона фаолияти билан илк танишув-даёқ қизларнинг юзига табассум югурди. Тадбиркор Тама-

ра Юсупова тикиш-бичишининг сирлари бўйича маҳорат дарси ўтди.

– "Ешлар – келажакимиз" Давлат дастури асосида "Миллий банк"дан ажратилган 275 миллион сўмлик кредит ҳисобидан фаолиятимизни янада кенгайтирдик, – деди Тамара Юсупова. – Яна ўн нафар коллеж битирувчисини ишга олдик. Улар ёш болалар ва катталар учун бежирим кийимларни тез ва сифатли тикиб беришмоқда.

Амалий ўқув жараёнида қизлар уз кўнлари билан кийим бичиб, сўнг тикишди. Эғнимизга ярашиб турадиган либосларимизни тайёрлаш учун қанча вақт ва меҳнат сарф бўлишига яна бир бор иқдор бўлишди. Қувончлиси, уларнинг аксарияти келгусида тадбиркор бўлишни дилга тугди.

М. БЕКНАЗАРОВА,
O'zLiDeP Амурдарё туман
Кенгаши аппарати раҳбари

Бирида яхши, бирида акси

“Обод қишлоқ” дастури ижросига барча жойда бирдек масъулият билан ёндашилмаяпти

Президентимизнинг 2018 йил 29 мартдаги “Обод қишлоқ” дастури тўғрисида”ги фармони юртимиз кифоиси янада чирой очиши, Ватанимизнинг ҳар бир гўшаси файзли, тароватли бўлиши учун қатта имкониятлар яратди. Унинг ижросини таъминлаш, қишлоқ аҳоли пунктларининг меъморий шаклу шамоилини тубдан янгилаш, ҳудудларни комплекс ривожлантириш, йўл-транспорт инфратузилмаси, муҳандислик-коммуникация тармоқлари ва ижтимоий соҳа объектларини барпо этиш, шу асосда аҳолининг турмуш сифатини янада яхшилаш мақсадида Андижон вилоятда ҳам улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда.

Вилоятда 110 дан ортиқ қишлоқ, 878 та маҳалла бор. Қуриш ишлари амалга оширилиши учун биринчи навбатда ижтимоий-иқтисодий муаммолар тўғрисида қолган чекка ҳудудлар танлаб олинган. Вилоятдаги 14 та тумандан 28 та маҳалла “Обод қишлоқ” дастурига тушиб, жами 461 миллиард сўм маблағ сарфланиши кўзда тутилган. Мазкур маҳаллалар 18 минг 114 та хонадондан ташкил топган. 101 минг 533 нафар фуқаро яшайди. Қарорда белгиланган ҳар бир вазифа бўйича аниқ ишлар режалаштирилиб, изчиллик билан амалга оширилмоқда. Дастур доирасида 2018 йилда ўзлаштирилиши белгиланган 298 миллиард сўмнинг 22 фоизи маҳаллий бюджет ҳисобидан қопланса, 125 миллиард вазирликлар, идоралар, халқаро молиявий институтлар ҳамда хорижий давлатларнинг кредит ва грант маблағларига тўғри келади. Шунингдек, 107 миллиард сўм тадбиркорлар маблағлари, хомийлик ва тижорат банкларининг кредити ҳисобидан маҳалла гузарлари, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш объектлари барпо қилинган йўналишларида. Ҳар бир маҳаллада мактаб, боғча, шифо маскани тўла таъмирдан чиқарилади ёки янги қурилади. Маиший хизмат масканлари барпо қилинади. Электр, газ, сув таъминоти – қўйинги, инсоннинг фаровон яшаш учун нимаки зарур бўлса, ҳаммаси муҳайё қилиниши назарда тутилган. Бу масаланинг бир томони. Ана шу ҳудудларда яшайдиган фуқаролар нима қилишлари керак? Албатта, қарсик қўлдан чиқари. Лекин “ҳаммасини давлат қилиб бериши керак” қабилидаги боқимондорлик қайфиятида юрган одамлар ҳам борлиги ачинарли. Энди янгилик билан яшаш керак. Аммо ҳаётини тажрибада кўринадиган, баъзи жойларда “берсанг ейман, урсанг ўламан...” дейдиган, ваҳоланки, тўрт мучаси соғ, уй-жойи бинойидек, фарзандлари меҳнатта пай, қўли тўрт томонга етдиган оилалар, фуқаролар бор. Ана шундайларнинг “Бизнинг маҳалламиз ҳам дастурга тушсин” деган илтимосларига мутасаддилар ҳайрон. Ахир ҳамма иш навбати билан – аввало шароити оғир ҳудудларга эътибор қаратилади. Албатта, бунёдкорлик ишлари барча маҳаллага етиб боради. Ўтган йили давлат раҳбарининг вилоятга ташрифи чоғида “Обод қишлоқ” дастурига тушган маҳаллалар сафига яна 22 таси қўшилди. Демак, бугунга келиб, вилоятдаги 50 та маҳалла фуқаролар йўғини мазкур дастурга киритилган.

қўлайиб кетганим, 1 километрдан нарига ўтишолмаяпти. Сув тармоғини тортиш, 110 та хонадонга суюлтирилган газ баллонлари етказиб бериш масаласи ҳам очик қолаётди.

Пахтабодликларнинг ҳам арзи бор. Файзиобод маҳалласида сув тармоғини тортиш ишлари чала бажарилган, 9 километрлик кўчага шағал қопланмаган, 120 та таянч ўрнига 10 та ўрнатилган, холос.

Булоқбоши туманидаги Юксалиш ва Буюк Турон маҳаллалари аҳли ҳудуд давлат дастурига тушганини эшитиб, роса суюнишганди. “Қишлоғимиз ёшариб, бағримизга шамол тегадиган бўлди” деганларнинг бугун ҳафсаласи пир бўлгандай. Юксалиш маҳалласида чироқ ўчавери... Бунинг ечими бор-йўғи 400 метр масофага тортиладиган электр сими, алмаштирилмаган 120 та эски симёғоч эди. Бу ишлар режага ҳам киритилгандай. Бироқ... ҳафсаласизликми ёки одамлар дардини ҳис қилмасликми, хуллас, муаммо муаллақлигича қолмоқда. Ҳудуддаги 140 та муҳтож оила ўнтасининг уй-жойлари ҳомийлар ёрдамида таъмирланиши керак эди, аммо мўлжал мўлжаллигича қолиб кетмоқда.

Туманининг Буюк Турон маҳалласида айтишга арзийдиган ишлар бор. Аммо нуқсонлар ҳам талайгина.

– Бизга яқин ҳудудда ҳарбий қисм жойлашган, – дейди маҳалланинг Оқибат кўчасида яшовчи Абдурауф Ҳайдаров. – Салкам 1,5 километр узунликдаги канализация қувуридан келган оқовалар маҳалла ўртасидан оқиб ўтадиган катта ариққа тушяпти. Экология бузилапти, атрофни қўланса ҳид тутаяпти. Қўлаб идораларга қилган шикоятларимиз натижа бермаяпти.

Дастурга тушган маҳалланинг ҳоли шу бўлса, бошқасида аҳвол қандай бўлиши мумкин?

Мамлакат миқёсида амалга ошириладиган “Обод қишлоқ” дастурида белгиланган ишлар ҳақимиз бугунги, эртаси учун хизмат қилиши барчамизга кундек аён. Бироқ бир жойда ишлар кўнгилдагидек. Бошқа жойда эса белгиланган ишлар “тошбақа юриш” қилаётди. Чала ишдан фаровон турмуш барпо бўладими?

Хуллас, дастур ижроси амалда ҳар доим ҳам кўзни қувнатмаяпти. Сабаби эса...

Зилола РАҲМОНОВА,
“XXI asr” мухбири

Бунёдкорлик салоҳияти амалий ишларда намоён

Дастур доирасида Пахтабод туманидаги Учқўза ва Файзиобод маҳаллаларида кенг қўламли ишлар амалга оширилди. 5 800 дан зиёд фуқаро яшайдиган 1 000 га яқин хонадоннинг ижтимоий аҳоли, тақлиф ва мулоҳазалари ўрганилди. Йўллар асфальтланди, ичимлик суви таъминоти яхшиланди, 700 метр газ қувури тортилиб, тармоққа уланди. Мавжуд мактаб ва боғчалар реконструкция қилинди. Муҳими, 200 дан ортиқ хонадон эгаси банкдан олинган кредит эвазига тадбиркорликнинг турли йўналишларида ўз фаолиятини бошлади.

Чўл ҳудуди ҳисобланган Упуғнорнинг Шахриобод ҳамда Обод маҳаллаларида дастур доирасида амалга оширилган ишлар ҳам салмоғи билан ажралиб туради. Шахриободликларнинг аксарияти кўп қаватли уйларида яшайди. Қўшқаватли турар-жойларнинг фасадлари, томлари таъмирланди, йўлаклар қурилди, гулзорлар барпо қилинди. Ишсизлар ишга жойлаштирилди. Қувончли ўзгаришлардан яна бири шуки, аҳолининг неча йиллик



“Обод қишлоқ” Давлат дастури доирасида вилоятда жами 307 километр йўлни талаб даражасига етказиш назарда тутилган бўлиб, шу кунгача 7,2 километр йўл асфальтланди, 48 километрга шағал ётқизилди. Дастурга киритилган маҳаллаларда 2 минг 760 нафар фуқаронинг бандлиги таъминланди. Ишсизларнинг 2 минг 182 нафари ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этилди.

Ҳудудлардаги 9 минг 292 та уй дастурга киритилган бўлиб, айна кунгача 5 минг 300 га яқин турар-жойни таъмирлаш якунланди. Ҳудудлардаги кўп қаватли уйлар ва маҳаллаларда 779 та тозалов иншооти (оқова сув ҳандалари) қуриш ва таъмирлаш режалаштирилган эди. Амалда 180 таси таъмирланди.

Нега айримларнинг ҳафсаласи пир бўляпти?

Мақтову таҳсинлар ўз йўлига. Бироқ жараёнга ҳолис назар ташлаш, хато-камчиликлардан кўз юммаслик керак. Улуғнор тумани Обод маҳалласида 3,7 километрлик йўлни асфальтлаш, 14,9 километрга шағал ётқизиш режалаштирилган эди. Йўлсозларнинг бошқа ишлари

муаммосига барҳам берилди – Шахриободдан Андижонга автобус катнови йўлга қўйилди.

Ҳамжихатликда бажарилаётган ишлар кўлами кенгайди. Кўпчилик бирлашса, тоғни талқон қилиши бор гап. Маҳаллалар аҳли енг шимарди – ҳашарлар уюштирилди.

Бўзлик Ҳасанбой Раҳмоновнинг кўзи ожиз, 1-гурӯх ногирони. “Обод қишлоқ” дас-

тури доирасидаги эзгу ишлар натижасида савоатли инсонлар кўмағида янги уйли бўлди. Яна бир фуқаро Абдулло Носировнинг хонадоний девор билан ўралди. Тадбиркор Зиёбек Ҳамдамов 250 миллион сўмлик лойиҳа асосида ўз маблағи ҳисобига гузар қурди. Тадбиркорлик билан шугулланиш истагидаги 236 та хонадон эгаларига кредитлар ажратилди. Дастур доирасидаги ана шу хайрли ишлар Бўз туманидаги Ғолиб маҳалласида ҳам амалга оширилди.

Давра суҳбати

О‘зЛиДеР Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан Сергели туманидаги 2-сонли умумтаълим мактабда ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш билан боғлиқ мавзуда давра суҳбати уюштирилди.

Томошабинлик бизга ярашмайди

Ўзига хос жонли мулоқот тарзида кечган тадбирни ўтказишдан кўзланган асосий мақсад – эртанги кун эгаларининг ҳақ-ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзи ва оила муқаддаслиги ғояларини кенг тарғиб қилишдан иборатдир. Фарзандларимиз таълим-тарбияси масаласи ҳар қандай даврда жиддий ва долзарб ҳисобланган ва бунда фақат илм масканлари

ходимлари жавобгар десак, хато қиламиз. Аксинча, бу борада ҳаммамиз, сиз ҳам, мен ҳам, хуллас, барчамиз баб-баравар масъулмиз, – дейди О‘зЛиДеР депутатлик гурӯҳи аъзоси Ҳасанжон Дадабаев. – Муаммога ана шундай муносабатни шакллантира оلسакгина, ижобий натижага эришамиз. Бўлмаса, бир чеккада томошабинлик қилиб ўтирувчилар кўпаяверади.

Давра суҳбатида таъкидланганидек, вояга етган ва камолот палласида турган ёшлар ўртасида содир этилаётган турли кўринишдаги ҳуқуқ-

бузарлик ва жиноятларнинг олдини олишда ана шундай профилактик тадбирлар катта аҳамиятга эга. Демак, ёшларни ватанпарварлик, миллий анъана ва қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялашдек эзгу ишларда янада фаолроқ бўлишимиз керак.

Тадбир сўнггида ўқувчи-ёшлар томонидан намоиш этилган саҳна кўринишлари иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

О‘зЛиДеР Тошкент шаҳар Кенгаши матбуот хизмати

Барака – ҳаракатда

Ёш фермер немислар билан ҳамкорликни бошлади

Бёвут туманидаги Баҳодир Кенжаев раҳбарлик қилаётган “Аҳмадий” фермер ҳўжалигида 35 нафарга яқин ишчи ишлайди. Ҳўжаликдаги наслдор қорамолларнинг ҳар биридан кўнига ўртача 20 литрдан сут соғиб олинади. Сут маҳсулотлари тумандаги боғчаларга тарқатилади ҳамда қайта ишлаш корхоналарига жўнатилади. Ҳозирда мазкур фермер ҳўжалигида сунъий урулантириш орқали маҳаллий наслдан зотдор моллар кўпайтирилмоқда.


Таъкидлаш керакки, чорвачиликка тумандаги ёшларнинг қизиқиши тобора ортиб бормоқда. Аҳмадий Шаҳобиддин ҳам амакисининг изидан бориб, яқинда ўз фаолиятини йўлга қўйди. “Ёшлар келажакимиз” жамғармасининг Бёвут тумани филиалидан 800 миллион сўм кредит олиб, Германиядан 33 бош наслдор қорамол келтирди.

– 2018 йилда касб-ҳунар коллежини битириб, фермер ҳўжалигида чорвачиликнинг сир-асрор-

ларини пухта ўргандим ва сентябрь ойида ўзим мустақил иш бошладим, – дейди ёш фермер. – Ҳозирги кунда 4 та иш ўрни яратилган бўлиб, март ойдан бошлаб ишчилар сонини 16 нафарга етказиш ниятидаман.

Элёр ЖўРАЕВ,
О‘зЛиДеР Сирдарё вилоят Кенгаши
Ёшлар билан ишлаш бўлими
етакчи мутахассиси

Дафтарларда миллийлик акс этсин...



У маҳаллари ўқувчи эдим. Мактабда ўқиш бошлангач арафасида ота-онамиз билан бозорга тушиб, ўқув қуроллари харид қилардик. Ана шунда ўйлангил қолардим. Энг ёмони, дафтар танлашда қийналардим. Нега десангиз, ўғил болаларга осон, қайсидир машҳур ажнабий (ўшандаям айрим спорт турлари бўйича оқсар эдик-да) футболчи ё боксчи, хонанда ёки “ино-марка” машина сурати тиркалган дафтар тутишни хуш кўрардик. Қизлар эса...

Шахсан мен исталган дафтарим муқовасида Навоий ё Бобур ҳазратларининг сеҳрли сиймолари бўлишини оруз қилардим. Зебунисо, Увайсий, Моҳларойим ё Зулфиянинг сурати бўлсайди, дердим. Йўқ, аксига олгандек, умримда номини эшитмаган, билмаган шахслар расмлари муҳрланган дафтарларда орзуларим қолиб кетди...

Бугун эса талабаман, бўлғуси дий-зайнерман. Яъни, матбаа ва қадоқлаш

технологияси бўйича мутахассис бўлмоқчиман. Ҳозир ҳам мактаб ўқувчилари ва талабалар ишлатадиган дафтар, китобларнинг ташқи кўринишига жуда катта эътибор бераман. Афсуски, кейинги пайтларда чет эллардан келатган дафтарлар муқовасида уятли, ҳаёсиз манзаралар учраётгани мени хавотирга солмоқда. Шунинг учун, тақлифим, ўзимизда ишлаб чиқарилаётган дафтарларда миллийликни акс эттирадиган расмлар, қадим обидаларимиз, юртимиздаги музейларда сақланаётган ўзлимизга хос осори атиқалар, миллий либосларимиз акс этган фотосуратлар, улғу алломалар, шоир ва ёзувчиларимизнинг суратлари чоп этилса ва уларнинг ҳикматли сўзлари, халқчил иборалар битилса, хайри бўлур эди.

Эмилия ПИРМАМЕДОВА,
Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти талабаси

Қарор ва ижро

Аввал таҳсил, сўнг иш

Мамлакатимизда фуқароларимизнинг хориждаги меҳнат фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш ва ноконуний миграциянинг олдини олишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Аввало шу мақсадда Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 12 ноябрдаги "Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет элдаги ҳамда хорижий фуқароларнинг республикадаги меҳнат фаолияти тўғрисида"ги қарорига мувофиқ Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги ташкил этилди. Унга мувофиқ агентликнинг асосий вазифалари этиб куйидагилар белгиланди:

меҳнат миграцияси соҳасидаги халқаро ҳамкорлик лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш; хорижий давлатларнинг ваколатли органлари билан ҳамкорлик қилиш;

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет элларда меҳнат фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини рўйбга чиқаришда кумаклашиш;

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет эллардаги ва хорижий фуқароларнинг Ўзбекистон Республикасидаги меҳнат фаолиятини мувофиқлаштириб бориш;

хорижий ишчи кучларини ёлловчи чет эл фирмалари (корхоналар, муассасалар, компаниялар) билан ҳамкорликни ривожлантириш;

юрidik шахсларга хорижий ишчи кучларини жалб этиш учун рухсатномалар бериш (рухсатномаларнинг амал қилиш муддатини узайтириш);

Ўзбекистон Республикаси фуқароларига чет элда меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун рухсатномалар бериш (рухсатномаларнинг амал қилиш муддатини узайтириш).

Бугунги кунда агентлик ўзига юкланган вазифаларга мувофиқ фуқароларни чет элларда ишга жойлаштириш учун квоталар ажратиш масаласи бўйича ўз ваколати доирасида музокаралар олиб бориб, шартнома, битим ва протоколлар лойиҳаларини тайёрлаб, уларни имзоламоқда.

Биргина Россия Федерацияси билан меҳнат миграцияси соҳасида ҳамкорликни ўрнатиш доирасида Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари хузуридаги Ташқи меҳнат миграцияси Агентлиги ташкилий ишга ёллаш ва юбориш ҳақида 5 та шартнома имзолаган.

Айтиш жоизки, бунинг учун аввало хорижий мамлакатларнинг меҳнат бозорини ўрганиш, иш берувчиларни қидирамиз. Чет элда меҳнат фаолиятини амалга оширишни хоҳловчи фуқаролар тўғрисидаги ахборотларни хорижий иш берувчилар ўртасида, шу жумладан, интернет тармоқлари орқали тарқатамиз.

Шунингдек, чет элга ишлаш учун жўнаб кетаётган фуқароларни ишга жойлашладиган мамлакатда бўлиш хусусиятлари, хорижий иш берувчилар билан меҳнат шартномалари тузишнинг ҳуқуқий жиҳатлари тўғрисида хабардор қилиб, уларнинг малака оширишига ва ҳўжалик ҳисоби асосида хорижий тилни ўрганишига кўмаклашмоқда. Уларнинг ижтимоий муҳофазасини ҳам таъминламоқда. Бундан ташқари, хорижга ишга юборилган юрtdошларимизнинг Ватанга қайтганидан кейин ишга жойлаштирилишига ҳам кўмак бериб келмоқда.

Агентлик хорижда қонуний меҳнат фаолиятини юритаётган ҳар бир фуқаро учун масъул бўлиб, уларнинг барча ҳуқуқлари ҳимояланади.

Кези келганда таъкидлаш жоизки, хорижда меҳнат қилиш учун чиқаётган ҳар бир фуқаро ўқитилган ва тайёрланган бўлиши шарт. Шу боис 2003 йилдан бошлаб агентлигимиз қoшида Чет элларга кетаётган фуқароларни олдиндан кўниктириш ва ўқитиш маркази ташкил этилган. Ўқитиш жараёнида фуқароларга бориладиган мамлакатнинг асосий қонун ҳужжатлари, аъаналари ва ҳулқ-атвор нормалари, ишлаб чиқаришда техника хавфсизлиги ва меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини тушунирилади. Уқувчилар тўлиқ тиббий кўриқдан ўтказилади.

Агар бўлғуси меҳнат мигранти касб ўрганиш истагида бўлса, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги тизимида касбга ўрганиш марказлари мавжуд бўлиб, уларда касб ўрганиш ва сертифицикатлар олиш мумкин.

Сайфулла КЕНЖАБОВ,
Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги Хорижий ишчи кучини жалб этиш жараёнини тартиблаштириш департаменти бош мутахассиси

Мамлакатимизда амалга ошириладиган ислохотлар сабаб жамиятда ижобий ўзгаришлар юз бераётгани ҳам ҳақиқат. Аммо беш қўл баробар бўлмаганидек, жойларда оқилона сиёсат моҳиятини тушунмаётган мансабдорлар ҳали ҳамон сақланиб қолаётгани тараққиётга тушов янглиғ кўзга ташаланаверар экан. Жумладан, Тошкент вилоятининг Ўртачирчиқ туманида сайлов қонунчилигини бузиш билан боғлиқ ҳолатлар юз бергани, бунга мутасаддиларнинг ўзи бош-қoш бўлаётгани дилни хира қилади.



"XXI asr" бонг уради

Мандатини кўрмасдан муддати тугаётган депутат

2018 йилнинг 15 апрель куни халқ депутатлари Ўртачирчиқ туман Кенгашидаги бўшб қолган ўринларга сайлов ўтказилади.

8-сайлов округида О'zLiDePдан Собиржон Эргашев, ХДПдан Наримон Хаиткулов, "Адолат" ва "Миллий тиклаш" демократик партияларидан Курбонбиби Атакулова ва Иброҳимжон Иминовнинг номзоди кўйилади. Туман сайлов комиссиясининг 2018 йил 15 апрелдаги 7-сонли қарори 1.2-бандида Собиржон Эргашев депутат этиб сайлангани эътироф қилинган.

"Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида"ги қонуннинг 46-моддасига асосан сайланган депутатлар рўйхати туман сайлов комиссияси томонидан алифбо тартибда депутатларнинг фамилияси, исми ва отасининг исми, туғилган йили, партига мансублиги, эгаллаб турган лавозими, сайлов

округининг тартиб рақами ва номи кўрсатилган ҳолда матбуотда эълон қилинган ("Машъал" газетаси, 2018 йил 20 апрель). Ушбу рўйхатда Собиржон Эргашев ҳам кўрсатилган!

Ажаб ҳангомалар шундан сўнг бошланади. ХДП туман кенгаши раиси Эгамберди Эрناзаров сайлов пайтида амалдаги қонунчилик бузилганини даъво қилиб, Ўртачирчиқ туман маъмурий судига ариза беради. Мазкур суднинг 2018 йил 21 апрелдаги ҳал қилув қарорига асосан даъво аризаси қаноатлантирилиб, 8-округ сайлов комиссиясининг овоз бериш натижалари бўйича баёнлари ҳақиқий эмас деб топилади. 2018 йилнинг 3 май куни Тошкент вилоят маъмурий суди апелляция инстанцияси ҳам туман маъмурий судининг ҳал қилув қарорини ўз кучида қолдиради.

8-округ сайлов комиссияси раиси Г. Менглибоевнинг назорат тартиби

даги шикоятини кўриб чиққан Олий суд маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъатининг 2018 йил 30 июлдаги 7-467-18-сонли қарорига кўра, ҳам туман, ҳам вилоят судларининг қарорлари бекор қилинади.

Тошкент туман маъмурий судининг 2018 йил 10 сентябрдаги ажримига кўра, ХДП туман кенгаши раиси Эгамберди Эрназаровнинг мансабдор шахсининг хатти-ҳаракатларидан норози бўлиб ёзган шикоят аризаси кўрмасдан қолдирилади.

Шундан сўнг туман сайлов комиссияси раиси Толиб Ҳакимов юқоридаги суд ҳужжатларини асос қилган ҳолда 2018 йилнинг 26 сентябрда 8-сайлов округидан Собиржон Эргашев халқ депутатлари Ўртачирчиқ тумани кенгаши депутати этиб рўйхатга олингани хусусида яна қарор чиқаради ва халқ депутатлари Ўртачирчиқ тумани кенгашидан ушбу қарорни

навбатдаги сессияда тасдиқлаб беришни сўрайди. Лекин мана орадан тўрт ой вақт ўтса ҳамки, қарор ижроси бажарилмаётганини қандай тушуниш мумкин?

Айтиш жоизки, ўша сайлов 2018 йилнинг баҳорида бўлган эди. Мана, 2019 йилнинг кўклагига ҳам кўп вақт қолмади. Бироқ ҳамон натижа кўринмапти...

Хабарингиз бор, жорий йил охирида вакиллик органларига навбатдаги сайловлар бўлиб ўтади. Амалдаги депутатларнинг ваколат муддатлари ниҳосига етади. О'zLiDePдан халқ депутатлари туман Кенгашига сайланган Собиржон Эргашевнинг ваколати эса ўз мандатини кўрмасдан тугаб борапти. Тугилмасдан бўлгиди, деганлар шу бўлса керак-да.

Яна ким билади дейсиз?
Озод РАЖАБОВ,
"XXI asr" мухбири

"Шўртан Газ Кимё мажмуаси"

масъулияти чекланган жамияти

Сайёҳларга хизмат кўрсатадиган барча компания ва фирмалар диққатига!

2019 йил 8 март – Халқаро хотин-қизлар байрами муносабати билан корхона таркибидаги ходимларни Тошкент шаҳрига сайёҳатини уюштириш мақсадида 2019 йил 1 февралдан 15 февралга қадар очик танлов ўтказмоқда.

Танлов шартлари ҳақидаги тўлиқ маълумотларни мажмуанинг интернет тармоғидаги расмий веб-сайти (www.sgcc.uz)дан олишингиз мумкин.

Тижорат таклифлари куйидаги манзил бўйича қабул қилинади:

Фузор тумани Шўртан кўрғони "Шўртан газ кимё мажмуаси" МЧЖ

Телефон: (75) 552 41 12; факс: (75) 552 40 16

Электрон почта: sgcc@sgcc.uz

"BEST REALTOR"

масъулияти чекланган жамияти

Пойтахт Минтақавий филиали бошлангич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдоларига таклиф этади!

Савдога O'ZSANOATQURILISHBANK АТБ Тошкент вилояти минтақавий филиали Амалйёт бўлимининг 2019 йил 24 январдаги №137/15-07-сонли буюртмасига асосан, Тошкент вилояти Янгийўл тумани Эски Қовунчи ҚФЙ И. Уразов кўчаси 17 уйда жойлашган, умумий ер майдони 0,08 га, умумий фойдала майдони 210,95 кв. метр булган "Турар жой" кўйилмоқда.

Бошлангич нархи – 225 000 000 сўм. Аукцион савдоси 2019 йилнинг 4 март куни соат 14:00 да бўлиб ўтади. Буюртмалар расмий иш кунлари соат 9:00 дан 18:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Буюртмаларни қабул қилишининг охириги мuddати: 2019 йил 1 март соат 18:00.

Такрорий савдо учун 15 март куни соат 16:00 да, 2019 йил 1 апрелдаги такрорий савдо учун 29 март куни соат 16:00 ва 1 апрелдаги такрорий савдо учун 29 март куни 16:00 да тўхтатилади.

Савдода қатнашиш учун буюртма билан биргаликда куйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

- юридик шахслар учун – давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг савдода қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;
- жисмоний шахслар учун – паспорт нусхаси, савдода тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;
- аукцион тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига

закалат пули тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатининг нусхаси.

Савдо голибига аукцион ўтказилган кундан бошлаб 10 (ўн) кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномасини тузиш мажбурияти юклатилади. Голиб харидорга шартномага мувофиқ сотиб олиш тўловларини тўлаш юклатилади.

Талабгорлар объект бошлангич баҳосининг 15 (ун беш) фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини савдо ташкилотчиси "Best realtor" МЧЖнинг АТБ "Kapitalbank" Тошкент шаҳар филиалида куйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000500433601001, МФО: 00445, СТИР: 303179580.

Савдо ташкилотчиси жойлашган, аукционда қатнашиш учун буюртмалар қабул қилинадиган ва савдо ўтказиладиган манзил:

Тошкент шаҳри Миробод тумани Истикбол кўчаси 34-уй. Телефон (97) 718-84-48.

"BEST REALTOR"

масъулияти чекланган жамияти

Пойтахт Минтақавий филиали бошлангич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдоларига таклиф этади!

Савдога ТИФ "Ўзмилийбанк" Тошкент вилоят бўлими Чирчиқ шаҳар филиалининг 2019 йил 24 январдаги №СМ/02-96-сонли буюртмасига асосан, Тошкент вилояти Янгийўл тумани Эски Қовунчи ҚФЙ Саҳоват МФЙ манзилида жойлашган, майдони 94,60 кв. метр булган "Иссиқхона бино ва иншоотлари" тақдоран кўйилмоқда.

Бошлангич нархи – 283 500 000 сўм. Аукцион савдоси 2019 йилнинг 15 февраль куни соат 14:00 да бўлиб ўтади. Буюртмалар расмий иш кунлари соат 9:00 дан 18:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Буюртмаларни қабул қилишининг охириги мuddати: 2019 йил 14 февраль соат 18:00.

Савдода қатнашиш учун буюртма билан биргаликда куйидагилар тақдим этилади:

- юридик шахслар учун – давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг савдода қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;
- жисмоний шахслар учун – паспорт нусхаси, савдода тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;
- аукцион тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига закалат пули тўланганлигини

тақдирдаги савдода сотилмаган тақдирда такрорий аукцион савдолари 2019 йил 1 июлигача ҳафтанинг ҳар жума куни соат 14:00 да бўлиб ўтади. Такрорий

тақдирдаги савдода сотилмаган тақдирда такрорий аукцион савдолари 2019 йил 1 июлигача ҳафтанинг ҳар жума куни соат 14:00 да бўлиб ўтади. Такрорий

Савдо ташкилотчиси жойлашган, аукционда қатнашиш учун буюртмалар қабул қилинадиган ва савдо ўтказиладиган манзил:

Тошкент шаҳри Миробод тумани Истикбол кўчаси 34-уй. Телефон (97) 718-84-48.

Тоғай Мурод:

Демократияни қайта қуриш керак

Ёзувчи фикрлаб туриши керак.

Ёзувчи ёзиб туриши керак.

Бунинг учун ёзувчи қундалик тутиши керак.

Тоғай Муроднинг қундалик дафтарида қолган битикларини ўқирканмиз, цивилизация, тараққиёт, жаҳонга юз бериш масалалари адабни кўп ўйлантирганга эвуҳ бўламиз. Мамлакат мустақил бўлиб, ривожланган дунё билан бўйлашишга интилаётган бир даврда шу юртнинг тараққиёти вазилини бу мавзулар ўйлантириши табиий эди. Мана, орадан чорак аср ўтди. Ёзувчининг ўзи ҳам орамизда ўй. Энди у қай ўринларда ҳақ бўлганига шон-ҳис қиламиз, қай ўринларда эса кескин кетганини йиғирма-ўттиз йил берида туриб аниқлаш керак. Энг муҳими, замоннинг зарби ёзувчининг қалбига бўлиши кераклигига ишонамиз. Чин ёзувчининг!

Минг афсуслар бўлсин, мактабларимизга шахслар керак эмас, олий ўқув юртимизга шахслар керак эмас. Уларга мустақил фикрловчи шахслар керак эмас. Боиси, ўша ўқув юртида сабоқ бераётган ўқитувчи-профессорларни ўзлари шахс эмас, ўзлари мустақил фикрлаб олмайдилар. Боиси, ушбу (ўқув) юртини идора этаётган зотларни ўзи шахс эмас, ўз мустақил йўллари йўқ, юз-башаралари йўқ. Шу боис, улар ўзларига ўхшаш сояларни тарбиялайди. Улар мустақил фикрлаб олмайди. Улар мустақил фикрлашдан қўрқади. Оқибат, ўз дунёси, ўз йўлига эга бўлмайди, умумий одам бўлиб қолади, пода бўлиб қолади. Ўз соҳаларида бирор-бир ютққа эриша олмайди, бирор кашфиёт қилолмайди, кўзга кўринарли бирор иш қилолмайди. Улар тайёр йўлдан юради, тайёр ошга эга бўлади.

Аммо барчасини баҳолари беш! Дарсликлардан бутун бошли саҳифаларни ёддан айтиб беради, ўтган даҳлардан юзлаб цитаталарни ёддан айтиб беради. Қайси даҳо қайси китобини қайси бетида нима деган, кўзларини юмиб айтиб беради.

Жамият... винтикларни ана шулар бўлади, жамият гилдиракларни ана шулар бўлади, жамиятни ана шулар бошқаради. Жамиятта ана

шундайлар керак! Хур фикрловчи керак эмас, мустақил фикрловчи керак эмас.

Ишла, десангиз, насиҳат (?) қилади. Ярат, десангиз, кўчаларга шпор илади, деворларга шпор илади. Кур, десангиз, биноларни ремонт қилади. Асар ёз, асар ярат, десангиз, хўжайинларни улуглаб шеър ёзади, хўжайинларни портретини чизади.

Масалан, мен ишонмайман: адабиётдан беш олган бола математикадан бешга ўқишига ишонмайман. Физикадан бешга ўқиган бола ишонини бешга ёзишига ишонмайман.

Айтилик, жисмоний тарбиядан беш олувчи бола, барзанги бола... математикадан бешга ўқий оладими? Ё, ишонини бешга ёза оладими? Йўқ, мен ишонмайман. Чунки бу – табиат қонуни, ҳаёт қонуни. Буни инкор этиб бўлмайди. Олий ўқув юртида, айниқса, ўрта мактабларда барча фанлардан фақат, фақат... бешга ўқиб битирувчилар кўп эди. Совет тузмига ана шундай беш баҳоқчилар керак эди. Барча фанлардан оз-оздан, барча соҳалардан жиндай-жиндай билувчилар керак эди. Чунки, одатда, бундайлар умумий одам бўлиб етишади. Ҳар соҳадан бир шингилдан биладиганлар бўлиб етишади. Яъни, бирор-бир соҳани мукамал билмайди, зўр билмайди. Демак, бирор-бир соҳа бўйича кашфиёт яратолмайди, янгилек яратолмайди. Бирор-бир

соҳани юксакка олиб чиқолмайди. Эрталаб ошга бориб, кечқурун ишдан қайтиб... робот бўлиб юраверади.

Қайта қуриш бошланг... демократия бошланг, мустақил Ўзбекистон ана шундай мустақиллик учради. Қайта қуриш керак. Нимани? Ҳеч ким билмайди. Демократия(ни) қайта қуриш керак. Қандай қилиб? Ҳеч ким билмайди. Аммо минбарлардан ваъз ўқийдилар, радио-телевидениелардан донолик қиладилар. Газета-журнал(лар)ни тўлдириб демократия, қайта қуриш ҳақида жар соладилар. Ўзларини демократ қилиб кўрсатадилар. Аслида эса, ушбу бақириб-чақиритилари замирида ўзларини шахсий мақсадлари ётади, моддий манфаатлари ётади. Амал-мансаб эгаллаш нияти ётади, шон-шўхрат орттириш нияти ётади.

Мустақиллик ўзи нима? Бунда билмайдилар, ҳис этмайдилар. Ақалли, умумий тасаввурга-да эга эмаслар.

Мана, Ўзбекистон президенти олий парламент сессиясида: "Ўзбекистон мустақил бўлди" дея эълон қилди. Парламент депутатларини бир тоифаси... ухлаб ўтирди. Бир тоифаси ҳеч нимага тушунмай, "Ўртбоши нималар деяпти?" дегандай теварагига аланглади. Теварагидан ўтирганлар унга аланглаб қаради. Тагин бир тоифаси ўзини тушунган тутиб, доно-вазмин қиёфада президентга термулиб ўтирди.

Президент жойидан туриб, қарсақ чапдан кейин парламент депутатлари ҳам жойидан туриб, қарсақ чалди. "Ия, мустақилликка эришгандан кейин жойидан туриб, қарсақ чалиш керак экан-ку", деган хулосага келдилар ва жойларидан сапчиб туриб, қарсақ чалиб бошладилар.

Ўзи, мустақиллик қаердан келди? Осмондан тушдими, ё ердан чиқдими? Бу ҳақда ўйлаб кўрмадилар. Чунки улар ўйлай олмайдилар, улар фикрлаб олмайдилар. Мустақил ҳолда фикр-мулоҳаза юрта олмайдилар. Чунки ўрта ва олий ўқув юртидаги ҳамма баҳоқчиси беш. Чунки улар гуруҳбозлик эвази-

га депутат бўлганлар. Чунки улар сайловчиларга икки килодан гўшт, икки килодан шакар тарқатиб бериб... депутат бўлганлар.

Буюклар қишлоқда туғилиб, Парижда ўлади, деган гап бор. Париж – Францияни пойтахти. Бизни пойтахтимиз – Тошкент. Шу боис, Ўзбекистонда туғилиб ўсган ҳар бир талантли шахс пойтахтга, Тошкентга келади. Агар пойтахт Нукус бўлса, улар Нукусга борар эди, Хўжайли бўлса, Хўжайлига борар эди. Боиси, пойтахт демак – цивилизация демак. Илм-маданият маркази демак. Цивилизация чўққиси демак. Чунки дунё цивилизацияси биринчи бўлиб ҳар қандай давлатни пойтахтига кириб боради. Жаҳон цивилизациясини биринчи бўлиб давлат пойтахти қабул қилади. Кейин цивилизация мамлакатнинг бошқа йирик шаҳарларига ёйилади, вилоят, туманларга кириб боради. Пойтахт – цивилизация чироги демак. Талант цивилизация шароитида ўсиб-ўлғади, такомиллашади. Талантни фақат цивилизациягина камол топтиради. Чунки цивилизациянинг ўзи талантга муҳтож бўлади, цивилизация талантсиз ривожланмайди, камол топмайди. Шу боис, цивилизация талантларга муҳтож бўлади. Шунчаки мутахассислар билан цивилизация юксалмайди. Цивилизация баҳоли қудрат мутахассислар билан ўса олмайди, жойида қолиб кетади. Цивилизация билан талант эгизак кучлардир. Шундай экан, талант билан пойтахт ҳам эгизак кучлардир.

Аксинча, талантлар ўзи туғилиб ўсган қишлоқда қолиб кетса... ҳеч ким бўлолмайди. Чунки уни ҳеч ким тушунмайди. Чунки тўрт томони қоқоқ бир қишлоқ, қоқоқ одамлар, қоқоқ турмуш, ҳаёт... Ана шу қоқоқлик талантни олдин чеклайди, кулги-масхара қилади, руҳан қийнайди, эзади, кўп қатори бўлиб қолишга мажбур этади. Элга қараб юришга, меҳнат шароитига қараб иш қилиб юришга мажбур этади.



Кўрпасига қараб оёқ узатишга мажбур этади. Охир-оқибат, талантни адои тамом қилади.

Шу боис, жуда кўп талантлар қоқоқ провинцияларда сарғийиб сўлди. Ярқироқ, неча-неча ярқироқ талантлар провинцияларда тирик мурда бўлиб қолиб кетди.

Провинциядан келганлар эса аксинча бўлади. Етишмовчилик шароитида ўсади, камқўст турмуш кечиради. Деҳқончилик билан шуғулланади. Ҳамиша бир кам бўлиб кун кечиради. Ҳарбий хизматларга бориб келади. Ижарада яшаб, ўқишга қиради, ижарада яшаб, ўқийди. Ижарада уйланиб, турмуш қуради. Ойлик маоши турмушига етмай ҳаёт кечиради, уруғ-аймоқларидан олисда ҳаёт кечиради, ёлғиз ҳаёт кечиради. Мусофир... мусофир ҳаёт кечиради. Ана шу ҳаёт... талантни камол топтиради. Ана шу ҳаёт... улкан шахсини вояга етказди. Қишлоқ, провинциал ягона мақсад учун зўр бериб интилади: олим бўлиш! Даладан келган мусофир ягона мақсад учун жон-жаҳди билан талпинади: ёзувчи бўлиш!

ЭЪЛОН



“Шўртан Газ Кимё мажмуаси”

масъулияти чекланган жамияти

UNG

Shurtan GKM

экологик меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқиш фаолияти билан шуғулланувчи ташкилотлар ўртасида

“Оқава сувлар билан биргаликда ташланадиган ифлослантирувчи моддаларнинг рухсат этилган чегаравий меъёри” (ПДС) лойиҳасини ишлаб чиқиш доирасида Шўртан ГKM учун 2019 йилнинг

15 февралда очик танлов савдолари ўтказилишини маълум қилади.

Унда иштирок этувчи ташкилотлар қуйидаги талабларни инobatта олишлари зарур:

Махсус шартлар

Ҳужжатни ишлаб чиқиш бўйича тижорат таклифи (нархлар калькуляцияси).

I-II тоифадаги объектларга экологик меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилганлиги тўғрисида маълумот.

Мурожаатлар қуйидаги манзилда қабул қилинади:

Қашқадарё вилояти Ғузор тумани Шўртан кўрғони.

Факс: (75) 552- 40-16

Электрон почта: sgcc@sgcc.uz

Телефонлар 75 552-41-21, 552-43-20

Махсусотлар сертификатланган

ЭЪЛОН



“Шўртан Газ Кимё мажмуаси”

масъулияти чекланган жамияти

автомобиль ва темир йўл тарозиларига техник кўриқдан ўтказиш ва давлат қиёсловидан ўтказиш учун очик танлов ўтказилишини

ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Танлов муддати – 15 кун.

Модел: Metter Toledo IND-780.

Тарозилар сони 2 та (60 тонна ва 120 тонна)

Тўлиқ маълумот олиш учун:

Манзил: Қашқадарё вилояти Ғузор тумани Шўртан кўрғони.

инд: 180300. Тел./Факс: 75 552-40-07, 552-41-44,

www.sgcc.uz metrolog@sgcc.uz

ЭЪЛОН



“Шўртан Газ Кимё мажмуаси”

масъулияти чекланган жамияти

3 дона тижорий газ сарфини ўлчаш узелларини аттестациядан ўтказиш учун очик танлов ўтказилишини

ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Танлов муддати – 15 кун.

Тўлиқ маълумот олиш учун:

Манзил: Қашқадарё вилояти Ғузор тумани

Шўртан кўрғони. инд: 180300.

Тел./Факс: 75 552-40-07, 552-41-44, www.sgcc.uz metrolog@sgcc.uz

Махсусотлар сертификатланган



MUASSIS:
TADBIRKORLAR VA
ISHBILARMONLAR
HARAKATI –
O'ZBEKISTON
LIBERAL-
DEMOKRATIK
PARTIYASI

OXKI
IQTIMOVIY-SIVOVIY GAZETA
HAFTALIK NASHR


Бош муҳаррир:
Норқобил ЖАЛИЛОВ

Тахрир хайъати:

Ақтам ХАЙТОВ Аҳмад ШОДМОНОВ
Бахтиёр ЯҚУБОВ Тулқин ЭШНАЗАРОВ
Алишер СУЛТОНОВ Виктор ПАК
Мавлуда ХУЖАЕВА Насимжон АЛИМОВ
Сирожиддин САЙИДИ Фаррух ЖАББОРОВ
(бош муҳаррир ўринбосари)

Тахририят манзили:
Тошкент шаҳри
Нукус кўчаси 73⁻ уй.

электрон почта:
xxl.asr@gmail.uz



Телефонлар:
қабулхона – 71 215-63-80
(тел./факс).

Котибият – 71 281-40-17
Обуна ва реклама
бўлими –
71 215-60-45, 71 255-68-50

“XXI asr” ijtimoiy-siyosiy gazetasini Ўзбекистон
Матбуот ва ахборот агентлигида 2011 йил 14 июнда
0009-рақами билан рўйхатдан ўтказилган.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси
босмахонасида chop этилди.

Корхона манзили:
Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй.
Газета офсет усулида, А-2 форматда босилди.
Ҳажми – 4 босма табоқ.

Буюртма рақами: Г – 158 Тираж: 4250
Баҳоиси келишилган нархда.
ЎЗА яқуни – 03:45
Топширилди – 04:40

Тахририятга келган кўлемлар тақриз
қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.

© “XXI asr” дан олинган маълумотларга манба
сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри тахририят нуктаи
назаридан фарқ қилиши мумкин.

Газета тахририят компьютер марказида
теририди ҳамда дизайнер

Маъруфжон Раҳмонов
томонидан саҳифаланди.

ISSN 2181-477X



НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406

120456

Набатчи муҳаррирлар:
Бесма ИСРОИЛОВ, Эзбек ШОЙИМҚУЛОВ.